

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС ТАЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
АРХИТЕКТУРА факультети
“АРХИТЕКТУРА ТАРИХИ ВА НАЗАРИЯСИ” кафедраси



ШАРҲНОМА

**МАВЗУ: «ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЯНГИ ЙЎЛ ТУМАНИ “ЮГАН
ТЕПА” АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИГИНИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТИ ВА
ГРАФИК ТИКЛАШ ЛОЙИҲАСИ»**

Гуруҳ: 1-10 Ау
Бажарди: Дўстмухамедов А.А.
Раҳбар: проф. Салимов О.М .
Маслаҳатчи: доц.Зиёев А. А.

Тошкент– 2015

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС ТАЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
АРХИТЕКТУРА факультети
“АРХИТЕКТУРА ТАРИХИ ВА НАЗАРИЯСИ” кафедраси



«ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЯНГИ ЙЎЛ ТУМАНИ “ЮГАН ТЕПА”
АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИГИНИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТИ ВА ГРАФИК
ТИКЛАШ ЛОЙИҲАСИ»

Дўстмуҳамедов Абдужамол Абдухакимовичнинг

5580100 - “АРХИТЕКТУРА” таълим йўналиши бўйича
бакалавр даражасини олиш учун

“Янги йўл туманидаги “Ниёзбош” шаҳарчасининг шарқий ҳудудида жойлашган “Юган тепа”
шаҳрининг умумий кўриниши” *мавзусидаги битирув малакавий иши.*

2-бўлим

Гуруҳ: 1-10 Ау
Бажарди: Дўстмуҳамедов А.А.
Раҳбар: проф. Салимов О.М.
Маслаҳатчи: доц.Зиёев А. А.

Тошкент– 2015

МУНДАРИЖА

Сўз боши	4
Тарихий – архитектуравий бўлим.....	6
I.1 Юган тепа шаҳарининг вужудга келиш тарихи.....	7
I.2 Ижтимоий ва маъданий ҳаёт.....	11
I.3 Тарихий ҳудудининг ҳозирги ҳолати.....	18
Юган тепа шаҳар ҳудудининг таҳлили.....	27
II.1 Шаҳар қалъаси.....	28
II.2 Бино ва иншоотлар меъморлиги.....	33
Архитектуравий бўлинг.....	53
Юган тепа комплексининг график реконструкцияси.....	54
Юган тепа комплекси қиёфасини ўхшамалар (аналоглар) асосида аниқлаш	
- Бинкент.....	60
- Қанқа.....	63
- Шохрухия	67
- Юнусобод Оқ тепаси.....	71
ХУЛОСА	75
Конструктив бўлим.....	78
Кўлланилган ёпмалар Девоглар.....	79
Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати.....	81

СЎЗ БОШИ

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан миллий кадриятларимизни тиклаш, тарихимизни чуқур ўрганиш, меъморий ёдгорликлар ҳамда зиёратгоҳларни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Минг – минг йиллик меъморчилик ва шаҳарсозлик тарихимизни, ҳаттоки бориб кўриш тақиқланган архитектуравий ёдгорликларни нафақат зиёрат қилишга, балки уларни ўрганишга ва таъмирлашга ҳам кенг имкониятлар яратилди. Архитектура таълимотида Ўтмиш даврлар архитектурасини англаш катта аҳамиятга эга. Ростмана, мукаммал архитектурани яратиш учун унинг ривожланиш қонун-қоидаларини ўзлаштириш лозим. Зеро замонавий архитектура ўтмиш архитектуранинг давоми бўлиб иккиси ҳам бир яхлитликни яратади. Архитектурани яхши англаш, шаҳарсозликни тушунишга замин яратади. Маълумки, архитектура асари уч томонлама – функсия, конструксия, эстетик бўйича сифатланади. Хамон шаҳарсозлик архитектурасининг бўлаги экан, мазкур сифатлар соҳа асарлари-шаҳарларга ҳам таалуклидир. Бироқ бу сифатлар ўзига хос сифатларга эгадир.

Юрт бошимиз И. А. Каримов айтганларидек “Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унитган миллатнинг келажаги йўқ”, бу қақиқат кишилиқ тарихидан кўп бора ўз исботини топган. Яна шуни такидлайдиларки биз халқимизнинг дунёда ҳеч кам бўлмаслиги фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, дон ова албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз бу борада маънавий тарбия масаласи ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб атади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас кадриятимизга йўғрулган ва улардан озиқланган манавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб охир оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан

четга чиқиб қолиши мумкин. Шу сабабли биз ўз тарихимизни янада яхши билишимиз, биз учун муҳум заруратдир.

Архитектура асарида функсия асосан бир мақсадли бўлган ҳолда шаҳарнинг функсияси кўп мақсадлидир. Шаҳар-турар уй-жой ҳудудлари, кўча, майдон, сув тармоҳи каби унсурлардан ташкил топган. Булар шаҳарнинг моддияти-конструксиясидир. Архитектуранинг асосий бадиий воситалари ҳажм ва фазовий муҳит ҳисобланади. Бу икки воситанинг аҳамиятлари ҳар хил: архитектурада деярлик тенг бўлган ҳолда, шаҳарсозликда муҳитнинг аҳамияти устувордир, ҳажм эса унга нисбатан камдир.

Мақсадимиз Ўзбекистон тарихий шаҳарларидаги тепаликлар меъморлигини аслида улар нималигини билиш, улардаги ўзига хос қисмларини ажратиб кўрсатиш, вазифаларини аниқлаш, ёдгорликларни ўрганиш, қайта тиклаш, муҳофаза қилишдир. Вазифаларимиз тарихий шаҳарларидаги тепаликлар ўрганиш уларни ўзига хос хусусиятлари, уларни бир – биридан фарқи, ўхшашлиги, уларнинг аҳамиятини кўриб чиқиш ва шу билан бирга Янги йўл туманидаги Низбаш шаҳарининг шарқий ҳудудида жойлашган Юган тепа шаҳарининг бошқа тепаликлар билан солиштириш ва ўрганишдан иборатдир.

ТАРИХИЙ – АРХИТЕКТУРАВИЙ БҮЛИМ

Раҳбар:


Салимов О. М.

Битирувчи:


Дусмухамедов А.А.

1.1 Юган тепа шаҳарининг тарихий босқичлари

Юган тепа шаҳар босқичлари икки босқични ташкил этган. Биринчи босқич Исломгача бўлган даврлар яъни IV - VII- асрларни ўз ичига олган. Иккинчи босқич Ислом даври VIII-XIII – асрларни ўз ичига олади. Улар милoddан аввалги II-I-асрларда Чочтепада қадимги бургакликларнинг қишлоқ ҳаробалари устида ҳомғиштли девор билан ўралган айлана тархли қалъа-қўрғон барпо этишган.



Юган тепа Ниёзбаш қишлоғидан ярим км шимолроқда жойлашган. Архаик жойлашиш қолдиғидан феадал шаҳарга айланган деб қаралади. Биринчи Салар водийси марказий тепаликдан хосил бўлган ва атрофи ўралган. Архаик жойлашиш плани ва Профили мавжуд. Кейинроқ ғарбга қараб ёйилган феадал шаҳарга айланган. Кучли девор билан ўралган гумбазли шаҳар. Бу пайтда Юган тепа кўрикчи кучлар сифатида фойдаланилган бўлиши мумкин. Тепа мутлақо тегилмаган, маъданият қаватлари очилмаган. Фақат трангулятсия пунктини қазिश пайтида қуш тасвири туширилган бўлак топилган.




Ислом даврида (IX-XIII-аср) Юган тепанинг жанубий қисмидаги роботининг умумий кўриниши.

Тева зороастрийский даврида қабристон сифатида фойдаланилган деб тахмин қилинади. Тепадан ғарб томонда шаҳарча жойлашган. Жанубий деворнинг ярми тўқилган ва икки қаватли қатлам тагида қалинлиги 1м дан иборат кул қатламлари аниқ кўриниб турибди. Шулардан архаик керамика топилган. Пастки пахса девор юқори деворлардан фарқи бор, кулсимон тусга эга чунки архаик кулсимон қатламдан тузилган. Пахса қалинлиги ҳамма жойда бир хил эмас 1.10м дан 0.40м гача, бу шуни кўрсатадики девор бир неча марта қайта тикланган. Шаҳарча тенг ярмидан шарққа қараб турган девор ва гумбаз билан ажратилган. Ғарб қисми ситадел вазифасини бажарган, бу ерда 3 та сув ҳавзаси ўрни мавжуд бўлган. Бутун шаҳарча майдонида замонавий ер тўлалар қазилган, уларда қозоқлар яшаганлиги излари биланади. Ер ости метерияли суғорилган ва суғорилмаган материалдан тузилган, бу қадимий ва ХИВ аср асрдан бошланган. Мўгуллар ҳужумидан сўнг шаҳар буткул вайронага айланган.

Архитектура топонимика ва топографияга асосланиб фикирлаб кўрсак бизни қизиқтирган шаҳарча Чирчиқ дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган, Чирчиқ Тошкентдан 30 км узоқда. 1929-йил А.А Потопов ва 1934-йил Г.В Гиригорив томонидан белгиланган. 1954-йил эса Мершиев томонидан аниқланган. Юган тепа шаҳарчаси “Юган –йирик, йўғон тепалик ” 3 қисмдан иборат: шаҳристон, қишлоқ ва аркдан иборат. Арк Шаҳристондан шарқрода жойлашган. Арк юмалоқ фўрмада диаметри 150 м дан кўпроқ. Шаҳристон тўғри тўртбурчак майдони 420-400м, ёпиқ кўрғон деворлар билан ўралган. Навбат билан XII, XIII, X-IX асрларга хос қатламлар фиксатсия қилинади. Пастроқда 4м ли кул қатлами каучук типдаги керамика IX - XII асрларга хос. Буряков Шаҳристон шарқ қисмида 4м чуқурликда маъданиятга хос қатламлари топган. Улар XIV-XII асрларга хос. X-XII аср қатламлари инсонлар томонидан қаттиқ талофат кўрган. Буряков Юган тепадаги ўтироқ ҳаёт “Қовунчи тепа” даврига хос деб ҳисоблайди. X-XIII-асрлада ҳаёт тарси 2,52-55 га ошган.

Ислом даврида (IX-XII-аср) Юган тепанинг жанубий қисмидаги
роботининг схемаси.



1.2 Ижтимоий ва маъданий ҳаёт

Ўзбек халқининг ўрта асрлардаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий, маданий ҳаётини ўрганишда Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» (Т.1993), Абу Райҳон Берунийнинг «қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» (Т.1968), Юсуф Хос Ҳожибнинг «кутадғу билиг» (Т.1960), М.қошғарийнинг «Девону луғотит-турк. Уч жилдлик» (Т.1960-1963), Абу Тохирхожанинг «Самария» (Т.1991), Наршахийнинг «Бухоро тарихи» (Т.1991), Низомулмулкнинг «Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк» (Т.1997), Амир Темурнинг «Темур тузуклари» (Т.1991), Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» (Т.1994) ва бошқа нодир китоблар муҳим тарихий манба бўлиб хизмат қилади. Ватанимиз тарихини ўрганишда ўз даврида ҳокимият тепасида турган сулолар тарихини ёритишга бағишланган бир қатор китоблар – Шиҳобиддин ан-Насавийнинг «Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти» (Т.: Ўзбекистон, 1999), Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» (Т.: Ўзбекистон, 1996), Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» (Т.: Шарқ, 1997), Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихи. Икки жилдлик» (Т.: Меҳнат, 1992), Ҳофиз Таниш ал-Бухорийнинг «Абдулланом» (Т.1999), Мулла Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» (Т.1989), Баёнийнинг «Шажарайи Хоразмшоҳий» (Т.1991) ва бошқалар қимматли манба сифатида диққатга сазовордир. Бизгача этиб келган бундай моддий ва ёзма манбалар Ўзбекистон тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институти, Шарқ қўлёзмалар фонди дунёдаги энг йирик қўлёзмалар хазиналаридан ҳисобланади. Бу эрда 40 мингдан зиёд қўлёзма нусхалари, 30 мингдан ортиқ тошбосма китоблар ва 10 мингдан ортиқ Шарқ тилларида ёзилган ҳужжатлар мавжуд. Шунингдек, Ватанимиз тарихига оид муҳим қўлёзма ҳужжатлар, нодир китоблар, қимматли маълумотлар ҳорижий мамлакатлардаги илм масканлари, кутубхоналарда сақланмоқда. Ана шу қўлёзма ҳужжатлар ва китобларнинг ҳозирги ўзбек тилига таржима қилиниши ва нашр этилиши Ватанимиз

тарихини янада тўлароқ, холисона ёритилишига, тарихимиз саҳифаларидаги «оқ» ва «қора» доғларнинг барҳам топишига кўмаклашади.

Турар жойлар. X асрдан бошлаб бинокорликда синчкори иморатлар кенг тарқалади. Яккасинч ва қўшсинчли биноларнинг тагсинчларидан тортиб устунлари-ю сарровлари ва тўсинларигача ёғочларни пайвандлаш услубида қурилиб, синчларнинг ораси хом ғишт ёки гувалалар билан уриб чиқилган. Бу тузилишдаги иморатларни қуриш ҳозиргача сақланиб келади. Афросиёб, Варахша, Бухоро ва Пойканд шаҳар харобаларида қовлаб очилган турар жой қолдиқларидан маълум бўлишича, X-XI асрларда ҳам пахса ва хом ғишдан қурилган иморатлар шаҳар меъморчилигида асосий ўринни эгаллаган.

Наққошлик ва ўймакорлик. IX-XII аср бошларида меъморчилик билан бирга наққошлик ва ўймакорлик санъати ҳам анча ривож топади. Иморатни ўймакор устун ва тўсинлар, деворларини бўёқли ёки ганчкори нақшлар билан безаш кенг тарқалади. Бу даврга келиб наққошлик ва тасвирий санъат ўзгача тус олади. Эндиликда сжонли мавжудотларни тасвирлашдан мураккаб геометрик ва ислими гулли нақшлар ишлашга ўтилади. Иморатнинг пештоқи, эшиги ва деворининг айрим қисмлари турли мазмундаги битиклар билан қопланар эди.

Хаттотлик. Бу даврда хаттотлик халқ санъатининг муҳим ва кенг тарқалган соҳаларидан бири эди. Ҳали китоб босиш кашф этилмаганлиги, кўлёзма китоблардан нусхалари фақат кўлда Кўчинлиши тутайли хаттотлик санъати анча ривож топди. Турли услубда ҳуснихат билан битилган хаттотлик намуналари меъморий нақшларда ҳам ҳаётий мазмун ва эстетик завқ берувчи безак сифатида ишлатилади. Шундай қилиб, IX-XIII аср боши меъморчилиги ва унда ишлатилган нақш услублари, хаттотлик намуналари ўз навбатида меҳнаткаш аҳолининг дид-нафосат, бинокорлик ғоялари ва сермазмун ижодини яққол намоён этади.

Муסיқа санъати. IX-XIII аср бошларида муסיқа санъати ҳам ғоят тараққий қилади. Байрамлар, тўйлар, халқ сайиллари ва бошқа маросимлар, шубҳасиз, куй ва қўшиқсиз ўтмас эди. Бу даврда созандалар уд, танбур, қўбиз,

рубоб, най, сурнай, карнай, қўшнай ва қонун каби ғоят хилма-хил торли, зарбли ва пуфлаб чалинадиган чолғу асбобларидан кенг фойдаланганлар. Халқ куйлари асосида кейинчалик тожик ва ўзбек халқларининг мумтоз куйи «Шашмақом» учун пойдевор бўлган «Рост», «Хусравоний», «Ушшоқ», «ЗерафкандсТ «Буслик», «Сипоҳон», «Наво», «Баста», «Тарона» каби янги янги куйлар ижод этилган. Бу соз ва куйларнинг кўпи ўзбек ва қардош халқларининг маданий мероси тарзида ҳозирги кунгача сақланиб келмоқда. Муסיқа санъати шеърят ҳамда муסיқашунослик илми билан узвий боғланган ҳолда тараққий этади.

Дин. IX-XIII аср маънавий ҳаётида ислом дини муҳим ўрин эгаллайди. Бу даврда мусулмон Шарқда кенг тарқалиб, жаҳон дини даражасига кўтарилган ислом дини ва шариат мусулмон дунёсининг мафкурасига айланди. Мовароуннаҳр аҳолиси ислом динини қабул қилиб, шариат аҳкомларини бажаришга, араб тили ва ёзувини ўрганишга киришди. Марказий шаҳарларда қатор масжид ва мадрасалар қад кўтарди.

XII асрда эса Бухоронинг Дарвоза маҳалласида ҳатто қонуншунослар учун махсус «Фақиҳлар мадрасаси» қурилган. Бундай олий дорилфунун асосан ислом дини таълимотининг асосий манбалари: қуръони Карим, Ҳадиси шариф ва араб тилини мукаммал ўрганишга катта эътибор берган. Шариат аҳкомларини ҳар томонлама чуқур ўргатишда «Тафсир»-қуръони Каримнинг шарҳлари жуда бой ва қимматли манба ҳисобланган. Фикҳ фани (ислом ҳуқуқшунослиги) ахлоқ ва шариат аҳкомлари борасида мукаммал маълумот беради.

Ислом дини таълимотининг равнақи ва тарғиботининг кенгайишида айниқса Бухоро шаҳри марказга айланди. Бухоро мадрасаларидан жуда кўп етук фикҳшунос олимлар, қозилар, имомлар етишиб чиқади. Шу боисдан Бухоро IX асрдан бошлаб «қуббат ул-ислом»-«Ислом динининг гумбази» номи билан шуҳрат топади. Айни пайтда ҳукмрон табақаларнинг меҳнаткаш аҳоли устидан жабр-зулми кучайиб борган. Бу ислом талабларига зид ҳодиса

эди. Мана шундай ғоят мушкул шароитда жабрдийда халқ ўз дард-у аламига тасаввуфдан малҳам ахтаради.

Тасаввуф. Тасаввуф ўрта асрлар мусулмон Шарқида кенг тарқалади. Бу таълимот дастлаб VIII аср ўрталарида Ироқда юзага келган. Тасаввуф таълимоти асосида инсон фаолияти ва унинг камолоти ётади. Туркистон ва Мовароуннахрнинг турли ўлкаларида тасаввуфнинг турли тариқатлари пайдо бўлади. Туркистонда XII асрда Яссавия, XII аср охирида Хоразмда Кубравия, XIV асрда Бухорода Нақшбандия ва бошқалар вужудга келади. Мовароуннахрда кенг ёйилган тасаввуф Яссавия тариқати бўлиб, унга Аҳмад Яссавий асос солади. Тариқатнинг асослари Яссавийнинг машҳур "Ҳикмат" асарида баён этилади. Аҳмад Яссавийнинг фикрича, шариатсиз тариқат, тариқатсиз маърифат, маърифатсиз ҳақиқат бўла олмайди. Уларнинг ҳар бири иккинчисини тўлдиради ва такомиллаштиради. Яссавий тариқатининг асосида камолотга узлат ва таркидунёчилик орқали йетишиш ғояси олға сурилади. Унга фақат бу дунё роҳати ва фароғатидан воз кечиб, узлатда тоат ва ибодат йўлида заҳмат чекиб, машаққатли меҳнат қила олган кишигина етиб боради. Хуллас, Яссавий тариқатида машаққатли меҳнат ва азият шариат йўлида бўлмоғи ҳамда таркидунёчилик тарғиб этилса-да, инсон зоти шариф даражасида улуғланади. Инсоннинг ҳар қандай мол-дунёдан ва давлатдан устун туриши таъкидланади.

Тасаввуф таълимотининг буюк сиймоларидан яна бири Нажмиддин Кубро (1145-1221) эди. У Хоразмда "Кубравия" тариқатига асос солади. Яссавий тариқатидан фарқли ўлароқ, Кубравия тариқати таркидунёчиликини рад этади. Камдлот йўлида олиб бориладиган машаққатли меҳнат жараёнида бу дунё ноз-неъматларидан баҳраманд бўлишнинг жоизлиги ғояси илгари сурилади. Кубравия тариқатида халққа ва Ватанга бўлган муҳаббат ниҳоятда кучли бўлиб, ҳар қандай оғир дамларда ҳам омма билан бирга бўлиш, Ватанни мудофаа қилиш ва унинг мустақиллиги учун курашга даъват этилади.

Тасаввуф XIV асрда нақшбандия тариқатида янада ривож топади. _ Унга Баҳоуддин Нақшбанд асос солади. У 1318-йилда Бухоро яқинида қасри

Ҳиндувон қишлоғида матоларга нақш босувчи ҳунарманд оиласида дунёга келади. Ёшлигида ўқиш ва таълим олиш билан бир қаторда кимхоб матога гул босишни пухта ўрганиб, ота касби наққошликни эгаллаган.

Хожа Баҳоуддин "Ҳаётнома" ва "Далил ал-ошиқин" номли асарлар , ёзиб, ўз тариқатини яратади. Нақшбандия тариқати Мовароуннаҳр, Хуросон ва Хоразмда кенг тарқалади. Нақшбандия тариқати инсонларни ҳалол ва пок бўлишга, ўз меҳнати билан кун кечиришга, муҳтожларга хайр-еҳсон беришга, софдил ва камтар бўлишга чакиради. Унинг "Дил ба ёру даст ба кор" ("кўнгил Аллоҳда бўлсин-у, қўл иш билан банд бўлсин") деган ҳикмати Нақшбандия тариқатининг ҳаётий моҳиятини ифодалайди. У таркидунёчиликни рад этиб, меҳнатсеварлик, одиллик ва билимдонликни тарғиб этади. Нақшбандия таълимоти тараққиётга кейинги асрларда Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Хўжа Аҳрор каби буюк алломалар катта ҳисса қўшадилар.

Мустақиллик шарофати билан Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро сингари бобокалонларимизнинг азиз номлари тикланди, қадамжолари обод этилди. Асарлари чоп этилиб, уларнинг бебаҳо маънавий меросларидан ҳозирги авлодлар баҳраманд бўлмоқдалар.

Тасаввуф (суфийлик) - мусулмонларни ҳалолликка, покликка, тенгликка, инсон қадр-қимматини ерга урмасликка чорловчи, ҳар кимни ўзининг ҳалол меҳнати билан яшашга, бошқаларнинг кучидан фойдаланмасликка дават этувчи таълимот.

Тариқат — тасаввуф қоидаларига амал қилиб яшаш, яъни, комил инсон даражасига эришишни кўрсатувчи тўғри йўл.

Иқтисодий ҳаётнинг жонланиши. Мамлакат ижтимоий ҳаётида содир бўлган жиддий ўзгаришлар, шубҳасиз унинг иқтисодий жиҳатдан жонланишига туртки ҳам бўлди. Мўғуллар истилоси даврида хароб бўлган ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва деҳқончилик аста-секин тиклана бошлайди. Ҳунармандчилик ва ички-ташқи савдонинг жонтениши, шубҳасиз, хароб бўлган шаҳарларнинг қайта тикланишига сабаб бўлади. Гарчи ҳали кўпгина шаҳар ва вилоятлар хароба ва ярим хароба ҳолида ётган бўлса-да, Урганч ва

Бухоро шаҳарлари қайта тикланади. қадимги Самарқанд яйронлари ёнгинасида янгитдан шаҳар қад кўтаради. Шаҳарларда турли хил давлат, жамоат ва маърифат бинолари қад кўтаради. Шаҳар бозорлари гавжумлашади.

Ер эгалиги. Мўғуллар ҳукмронлиги даврида ўрта Осиёда ерга бўлган эгаликнинг мулки девон, мулки инжу, мулки вақф ва мулк деб аталувчи тўрт хил шакли мавжуд эди. Мулкларнинг каттагина қисми ҳарбий маъмурларга давлат олдидаги хизматлари учун ҳадя қилинган ерлар бўлифр, улар суюрғол ерлари деб юритиларди. Бундай ерларга эга бўлган йердорлар - суюрғол эгалари барча солиқ ва тўловлардан озбд этиларди. Суюрғол йерлари авлоддан-авлодга мерос тариқасида ўтарди. Йирик ердорлар қўлидаги мулк ерларига ерсиз ёки кам ерли деҳқонлар бириктирилиб, улар бундай мулкларда ҳосилнинг 1/3 эвазига ижарачи бўлиб ишлар эдилар.

Маданий ҳаёт. Фан, адабиёт, маърифат ва маданиятнинг айрим тармоқлари ҳам тиклана бошлайди. Хусусан, шаҳарсозлик билан боғлиқ бўлган бинокорлик ва меъморчилик йўлга қўйилади. Кошинпазлик, ганчкорлик, парчинсозлик, меъморий ғишт ўймакорлиги ва меъморий хаттотлик асрий арТана ва тажрибалар асосида тикланиб, ҳатто бирмунча тараққий ҳам қилади. Бинокор-меъморлар қўли билан қурилган кўркем иморат-у иншоотлар: масжид, мадраса, хонақоҳ, мақбара, минора ва саройлар қад кўтаради. Уларнинг айримлари бизнинг давримизгача сақланиб қолган. Бухоро шаҳридаги Сайфуддин Бохарзий, Баёнқулихон мақбаралари, Самарқанддаги машҳур Шоҳизинда меъморий ансамблининг асосий қисми бўлган қусам ибн Аббос мақбарасининг зиёратхонаси, Кўҳна Урганчдаги баландлиги 62 метрли улуғвор минора, Нажмиддин Кубро ва Тўрабекхоним мақбаралари шулар жумласидандир.

XIII аср ўрталарида Бухорода "Масъудия" ва "Хония" номлари билан шуҳрат топган иккита мадраса бино қилинади, уларнинг ҳар бирида мингтагача толиби илм аҳли таҳсил кўради. XIII асрнинг иккинсжи ярми ва XIV аср бошларида форс-тожик шеърятининг йирик намояндаларидан Жалолиддин Румий, Саъдий Шерозий, Амир Хусрав Деҳлавий каби буюк сиймолар яшаб

иждо этганлар. Жалолиддин Румий (1207-1273) буюк тасаввуф шоири бўлиб, 36 минг байтдан иборат "Маснавийи маънавий" номли поемасини яратди. Бу асарда у тасаввуф фалсафасининг асосларини талқин этади.

Бу даврнинг машхур мутафаккк адибларининг яна бири Саъдий Шерозий (1219-1293) дир. У ўзининг "Гулистон" "Бўстон" номли асарларидаги сермазмун ғазаллари билан шарқ адабиётининг тараққиётида ўчмас из қолдирди. У ўз асарларида она ерга бўлган мухаббат ва инсонпарварлик ғояларини моҳирона баён этади.

Ўз даврининг буюк адибларидан Амир Хусрав Дехлавий Низомий Ганжавийдан сўнг "Хамса" достонини ёзган ҳам шоир, ҳам муסיқашунос мутафаккирлардан эди. У "Зафарлар калити", "Фалакнинг тўққиз гумбази" каби асарлар муаллифидир.

XIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тарихнавислик ҳам тараққий қилади. Бу даврда Жузжонийнинг "Табакоти Носирий" ("Носир туркумлари"), Жувайнийнинг "Тарихи жаҳонкушой" ("Жаҳон фотиҳи тарихи"), Рашидуддин Фазлуллоҳнинг "Жоме ат-таворих" ("Тарихлар тўплами") каби қимматли тарихий асарлари ёзилади. Бу асарлар ўша давр тарихи, айниқса мўғуллар истибдодини ўрганишда биринчи даражали манба ҳисобланади. Бу даврда туркий тилдаги адабиёт ҳам ривож топа бошлайди. Кейинчалик у "Чиғатой тили" ва "Чиғатой адабиёти" номини олади.

1.3 Тарихий ҳудудининг ҳозирги ҳолати

IX-XIII асрлар шаҳарсозлигида аввалги, ўтмиш даврлардан қолган воҳаларни (шаҳарлар ва қишлоқларни) муҳофаза қилиш мақсадида қурилган кўрғон деворлар таъмирланади ва қайтадан тикланди. Улар узоққа чўзилгани боис узун деворлар номи билан аталади. Узун деворлар ўз номларига эга бўлишган. Тошкент ва Чирчиқ бўйидаги шаҳар ва қишлоқларни **Девори канти** пирак ёки қисқача – **Кампир девор** (бузилган шаклда – Кампир девор) муҳофаза қилар эди. Бундай ном бошқа жойларда ҳам (масалан Бухоро атрофидаги девор учун) қўлланилган. Самарқанд ва унинг атрофлардаги кенг ва қишлоқларни **Девори қиёмат** муҳофаа қилган. Деҳқонларнинг турли майда - йирик манзилгоҳлари аксари бирор йирик ариқдан сув ичиб, обод ерларни ҳосил қилган. Бундай обод ерлар рустоқ деб аталган. Мисол тариқасида Хоразмдаги **Бургут қалъа** ва **қават қалъа** рустоқларни келтириш мумкин.

Янги шаҳарларни ҳавоси мусаффо, сувли, паст – баландли жойда қуришга ҳаракат қилинган. Қарияларнинг айтишларига кўра шаҳар учун “етти сой ва етти қир” керак. Тошкент ва Самарқанд шундай талабларга жавоб берад экан.

Ўрта асрларда шаҳарлар тўғрисидаги тушунча бир хил бўлмаган. Географлар Ал – Истахрий ва Ал – Мақсодий масжидни шаҳар белгиси деб ҳисоблаганлар. “Худуд – ул - олам” асарида номаълум муаллиф қуйидаги турлардаги шаҳарларни келтиради: катта шаҳар (Марв), шаҳар (серахс, Нисо) ва яна икки турдаги шаҳарлар; кичик шаҳар ва шаҳарча, баъзан қишлоқ деб юритилади. Айрим манбаларда Қават қалъа (Хоразм, X аср) каби ёдгорликлар ҳам рустоқ, ҳам шаҳар деб ҳисобланган. Бундай жойларни қалъасиз вужудга келган шаҳарлар қаторига қўшилган.

V-IX асрларда кўпчилик қадимги шаҳарлар қайта тиклана бошланди. Янги карвон йўллари бўйларида вужудга келади. Шаҳарларнинг тузилиши аввалги вақтдагидан фарқланган. Олдинги дизлар фақат сиёсий мавқега эга

бўлган шаҳарлардагина ўз эътиборини сақлаб қолди. Бошқаларида эса дизлар мавқеларини йўқотиб ҳаробага айланди. Адабий манбаларда улар “кўҳандиз” – кўҳна диз деб номланади. Бу вақтда шаҳарларнинг асосий қисмлари одатда шахристон дейилган. Шаҳар ривожидавомида унинг теваарагида рабод шакллана борган.

Турли ҳудудларда шаҳарлар ўзига хос хусусиятларга эга бўлган. Масалан, Еттисувда шаҳарлар аҳолиси кўчма ҳаёт кечирган, асосан қалъа вазифасини ўтаган. Ичида монументал иншоотлар бўлмаган. Уруш вақтларда уларда чорва ва аҳоли жон сақланган.

Чуй дарасидаги истеҳкомларда шаҳар ўзаги нисбатан кичик ва зич қурилмали бўлган. Қалъа деворидан бўлак яна икки қатор деворлари бўлган. Ичкиси ҳовлилари, ташқиси боғ-роғларни муҳофаза қилган. Хоразмда эса майда манзилгоҳлар ариқ бўйларида анча тарқоқ ҳолатда жойлашган. Масалан юқорида қайд этилган Бургут қалъа ва Қават қалъа.

Аксари шаҳарлар 10-15 га майдонни эгаллаган. Бухоро шаҳристони 30-35 га, Самарқанд рабоди билан 200 га атрофидаги майдонни ишғол қилган эди. Шаҳарлар кудук, очик ариқ ва сопол қувурлар ёрдамида сув билан таъминланган. Йўлларни ва карвонларни ҳимоя қилиш мақсадида кўплаб рабод қурилди. Шаҳарларни сув билан таъминлаш катта аҳамиятга эга бўлган. Аксари сув ариқлардан келтирилган, ҳовуларда туташтирилган. Баъзан еростки сопол қувурларидан фойдаланилган. Самарқанд каби тепаликлардаги шаҳарлар кўтарма нов (акведук) қурилган эди. Самарқанд нови Ж ў й и А р з и с деб номланган. Ер остки сувлардан тоғ ва тоғолди жойларда кориз тизими орқали фойдаланилган. Фарова коризи рабоддан 700 м узунликка эга бўлган. Коризни ер устидан икки ёнида кўрғон девор, буржлар қурилган эди. Баъзи шаҳарларда (марв, Бухоро, Термиз кабиларда) тароз - канализация қўлланилган.

Шаҳарлараро йўлларини ва карвонларни ҳимоя қилиш мақсадида рабодлар қурилди. Фарова, Дехистон рабодлари шулар жумласидан. Исфижоб яқинида ҳам рабод бунёд этилган эди.

Қадимги даврдан ҳаёт кечираётган шаҳарлар қаторида Ниса бўлган. Нисада X асрда бўлган Макдисий унинг ободлигини қайд этган. У шаҳарнинг серсувлиги, кўчалари дарахтлар соясида бўлишини таъкидлайди Марв шаҳари Марказий Осиёда энг катта шаҳар бўлган. VII асрга келиб Эрк қалъа дастлабки ўз мавқесини йўқотади. Шаҳристонда (Кофир қалъада) ҳам чамаси суғориш тизими ишдан чиқиши натижасида яшаш шароити оғирлашди. Кофир қалъадан ғарбда XI-XII асрларда янги шаҳристон шаклланди. Унинг арки янги шаҳристоннинг шимоли-шарқий қисмини эгаллади. Ариқлари ичида Розик номлиси аҳамиятли бўлган.

Дохистон шаҳарининг ҳудуди 60 гектар эди. Қўрғон девори икки қатор бўлиб уларни ораликдан кўндалангига ўтган девор бирлаштириб турган. Бу қадимги деврга оид Сополлитепа усули давом этганлигини кўрсатади. Шаҳар кейинчалик Машҳади Мисриён деб аталган.

Шаҳарни сув билан таъминлаш масаласи Есир 20 километргача етган ариқ орқали ҳал қилинган. Ер устки ва еростки ариқлар, ховузлар ғишт билан қоплаб чиқилган эди.

Марв воҳасидаги манзилгоҳлардан бири Ал-Аскар бўлиб, унда XI-XII асрларда карвон сарой қурилган эди.

Амударёнинг ўрта оқимида шаҳарлардан бири Омул шаҳари у Қорақум саҳросининг четида жойлашган. Ҳозирги Чоржуй шаҳарига тўғри келади.

Термиз шаҳарининг VI-VIII асрларда авалдаги асрлардаги таназзулдан сўнг анча жонланди. Олдинги ташлаб кетилган жойларнинг баъзиларига аҳоли қайтиб келди. Шаҳарнинг гуллаб-яшнаши эса IX-XII асрларда давом этади. У янада кенгайиб кетди, бандаргоҳ таъминланди. Қалъада уни мустаҳкамлаш мақсадида қайта қуриш ишлари олиб борилди. Шаҳристон кўррғон девор билан ўралди. Шаҳар таркибига кенг рабодидан ташқари атрофидаги қисми (сурадикат) ҳам кирган. Сомонийлар даврида Шаҳристонда маҳаллалардан ташқари бозорлар, сарой, рабодда ҳам бозорлар, устахоналар, намозгоҳ бўлган. Қўрғон деворларининг эскилари мустаҳкамланди, янгилари қурилди. Уларда 9 дарвоза бўлган. Бу даврда Султон Саодат мажмуасининг дастлабки

бинолари пайдо бўлди. XIII аср охирида Мўғуллар истелосидан аввалги вайрон этилган. Хусусан шарқи сайидлар манзили Саловат деган жойга кўчди. XV аср бошида Термиз “яхшигина қурилган, ажойиб бозорлари бўлган катта шаҳар” эди. Бутун XV аср давомида қурилиш жадал сураатлар билан олиб борилди, бандаргоҳ ва қалъа обдон таъмирланди.

Хутталнинг (Жанубий Тожикистон) пойтахти Хулбук бўлиб, у ғазнавийлар, кейин салжукийлар (X-XII асрлар) даврларида жадал ҳаёт кечирган. Хулбук шаҳарининг қалъасида хом ва пишиқ ғиштдан сарой қурилган эди.

Фарғона водийси муҳим шаҳарларидан Ўзган бўлиб, унинг илк ўрта асрларидаги тузилиши ҳали етарли даражада ўрганилмаган.

Тошкентнинг асрнинг дастлабки вақтидаги ҳаёти М и н г Ў р и к (Минг Ўрик Афрасиёби) ёдгорлигида кечди. Минг Ўриқнинг V-VII асрларда майдони 30 га атрофида бўлган. У йирик шаҳарлардан ҳисобланиб, диз (қалъа), Шаҳристон (ички шаҳар) ва работ (ташқи шаҳар)лардан иборат эди.

Унинг тевараларида кўплаб кўшк, кад, кентлар пайдо бўлган. Улардаги иморатлар асосан хом ғишт ва пахсадан иборат бўлиб, ҳозиргача кўплаб тепа ҳолатида етиб келган. Тахминан VIII-IX асрларда Тошкент Эски Шаҳар территориясига кўчади. Бу ҳудуд паст-баланд бўлиб, халқ тасвурида шаҳар учун энг яхши жой (“етти сой , етти қир”) ҳисобланиб аҳолини сел хавфидан сақлаган.

Берунийнинг (X аср) гувоҳлик беришича, Тошкент ўша вақтларда Бинкат деб аталган. Шаҳар ҳар бири қўрғон деворли арк (қалъа), Шаҳристон ҳамда кўшк (ички ва ташқи работлардан ташкил топган эди. Ички рабод Рабоди доҳил, ташқи рабод Рабоди хориж деб аталган. Шаҳарда бинолар зич (ташқи рабод бундан мустасно) қурилган эди. X аср маълумотида кўра, шаҳар ўлчамлари фарсангга (5-6 км га) тенг бўлган.

Марказий Чорсу бозори ва Регистон майдони шаҳристонга туташ бўлган. Тошкент Чирчиқ дарёси бўйидаги бошқа шаҳар ва қишлоқлар билан яхлит шаҳарсозлик тизимини ташкил қилган. Мўғуллар истилоси Тошкентга

катта талофат келтирган. XIII асрда йирик қурилиш ишлари олиб борилмаган, деб ҳисобланади.

Самарқанд шаҳари мўғуллар истилосигача Афрасиёб тепалигида жойлашган эди. Шимол тарафидан пастликда Сиёб ариғи ўтган эди. Шаҳарнинг шимолий қисмида қалъа жойлашган эди. Унинг қўрғонт деворлари шаҳарнинг жануб тарафига ўсишини кўрсатади. Бир неча дарвозалари бўлган. Шаҳардан топилган машҳур деворий суратлар ҳоким-ихшит саройига тегишли бўлган.

Энг илк ўрта асрлардаги (VI-VIII асрлардаги) Марказий Осиё шаҳарларига Панжикентни ва Минг Ўрик Афрасиёбини олиш мумкин. Панжикент Зарафшон ўрта оқимида жойлашган шаҳар жарлик ёқаси қурилган. Жар (шимол) ҳамда шарқий томони тўғри чизик тариқасида, қолган томонлари синик чизик тариқасида бунёд этилган. Майдони – 14 га атрофида. Қалъаси шахристондан алоҳида- ғарбда жойлашган. Асосий дарвоза жануб томонда қурилган эди. Бу дарвозадан шаҳар маркази бўлган икки ибодатхонанинг майдонга борилган эди. Шаҳарнинг шарқий ва жанубий шарқий атрофида онда-сонда навлар-суяклар сақланадиган иншоотлар учрайди.

Бухоро ўз воҳасида VI асрдан эътиборан бош шаҳарга айланади. VIII аср бошида рабод девор билан ўралди. 849-850 йилларда арк, шахристон ва рабод иккинчи маротаба девор билан ифодаланди. Унда ўнбир дарвоза бўлган эди. Сомонийлар даврида Регистон майдонида меъморий бинолар пайдо бўлди, сарой қурилди.

Урганч шаҳари ўзининг жойлашуви жихтидан шимоли-ғарбга, Волга тарафига ва жанубга Журжон тарафига бориш учун қулай жойда пайдо бўлган. 995 йилда, Мамун даврида Урганч Хоразм пойтахтига айланди. Йирик иншоотлар пайдо бўлди. Таъсис этилган академияда Ибн Сино, Беруний кабилар фаолият кўрсатишган. Археологик жихатидан Урганч етарли даражада ўрганилмаган.

Хоразмшоҳлар даврида хазорасп мустаҳкам қалъа ва гўзал шаҳар сифатида донг таратган эди. Солномаларда унинг бозорлари ва авдогарлари кўплиги, аҳолиси бой бўлганлиги қайд этилган. Шаҳар кўл билан ўралган бўлиб қолдиқлари ханузгача мавжуд. Шаҳарнинг биргина оролида жойлашган дарвозаси бўлган.

Таълос воҳасининг асосий шаҳари Таърос эди. У Таълос дарёсининг чап қирғоғида бунёд этилган эди. Шаҳарнинг бир қисми дарёнинг Қарши тарафида бўлган. Қўрғон девор ва ханда билан ҳимояланган эди. Тўртта дарвозаси бўлган. Талос Х арсда аҳолиси кўп, обод шаҳар бўлган. Одамлар нафақат шаҳристонда рабодда истикомат қилган. Тарозга Жамбул номи берилган.

Архитектура топонимика ва топографияга асосланиб фикирлаб кўрсак бизни қизиқтирган шаҳарча Чирчиқ дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган, Чирчиқ Тошкентдан 30 км узоқда. 1929-йил А.А Потопов ва 1934-йил Г.В Гиригорив томонидан белгиланган. 1954-йил эса Мершиев томонидан аниқланган. Юган тепа шаҳарчаси “Юган –йирик, йўғон тепалик ” 3 қисмдан иборат: шаҳристон, қишлоқ ва аркдан иборат. Арк Шаҳристондан шарқда жойлашган. Арк юмалоқ фўрмада диаметри 150 м дан кўпроқ. Шаҳристон тўғри тўртбурчак майдони 420-400м, ёпиқ қўрғон деворлар билан ўралган.

Манбалар, далиллар, ҳужжатларга асосланиб, шаҳар 2 босқичда ривожланганлиги маълум бўлди. Янги йўл туманидаги Куркулдак каналининг чап соҳилида жойлашган бу шаҳар 25 гектарни эгаллаган бўлиб, эрамиздан аввалги VI – асрда тупроқ – тепалик сифатида вужудга келган. Ҳом ғишт ва пахсадан истеҳком ҳамда турар жой бинолари қурилган. Археологик қазилмалар бу юртда оташпарастлар ва будда динларига мансуб бўлган ибодатхоналар қурилганлигидан далолат беради. Ўша даврларда қалъалар қурилиши ҳам кенг ривожланган. қалъалар баландлик жойларида қурилиб, ташқи ёвлардан мудофаа вазифасини ўтаган.



Юган тепа тарихининг кейинги босқичи милодий III – VIII асрларни ўз ичига олган бўлиб, шаҳар ва рабодда ҳаёт анча ривожланган. Бу даврда шаҳар арк, шахристон ва рабоддан иборатлиги ҳақида маълумотлар келтирилган. Рабад ва шахристон девор билан ўраглан. Бу даврда шаҳарларни сув билан таъминлаш катта аҳамиятга эга бўлган. Моддий маданиятга Сирдарёнинг қуйи қисмида яшаган қадимий аҳолининг маданияти катта таъсир қилган. VIII – асрнинг 1 – яримида арабларнинг Чочга қилган босқинчилигидан сўнг Юган тепа ташландик ҳолга келган. Юган тепанинг бу босқичи ислом даврини яни X – XII асрларни ўз ичига олади. Бу даврда Юган тепа Залтикент шаҳри номи билан аталади. Араблар истелосидан кейин меъморчилик ва шаҳар қурилишида турдаги бинолар вужудга келди. Жумладан масжидлар, мақбаралар, рабодлар, кейинроқ мадраса каби бинолар қўплаб қурилди. IX – аср бошларида аввалгидек асосан ҳом ғишт, пахса ишлатилган бўлса кейинчалик пишиқ ғишт маъмурий ва жамоа бинолари қурилишида асосий материал бўлиб қолди. Турар жой бинолари қурилишида эса синчли конструкция кенг тарқалди. Пардоз ишларида сомон лойсувоқ қаторида ганчнинг ҳар ҳил турлари ишлатилган. Тепа мутлақо тегилмаган, маъданият қаватлари очилмаган. Фақат трангулятсия пунктини қазिश пайтида қуш тасвири туширилган бўлак топилган. Смирнова О.И Динбагинакет номини араблар босқинигача динлар ибодатхонадеб атаган, чунки бу ерда ката ибодатхона мавжуд бўлган. Шаҳардан 1-3м нарида жойлашган аркда Маданият қатламлари 4м гача етади. Вақтинчалик қаровсизлик араблар юриш даврига боғлиқ. Шаҳристон арки 20 гектардан ошиқ. Тепа зороастрийский даврида қабристон сифатида фойдаланилган деб тахмин қилинади. Тепадан ғарб томонда шаҳарча жойлашган. Жанубий деворнинг ярми тўкилган ва икки қаватли қатлам тагида қалинлиги 1м дан иборат кул қатламлари аниқ кўриниб турибди. Шулардан архаик керамика топилган. Пастки пахса девор юқори деворлардан фарқи бор, кулсимон тусга эга чунки архаик кулсимон қатламдан тузилган. қизил пардозланган ва кулранг арламентли керамика учрайди. Жанубда шаҳарча ва Ниёзбош ўртасида яшаб ўтган қишлоқ аҳоли қолдиқлари

кўриниб турибди. Тепалик деярли очилмаган, маъданият қатламларига тегилмаган. Ҳозирда тепалик ҳудуди буткул вайронага айланган. Револютсия, шаҳарлар кенгайиб тепалик ҳудудлари ҳам турар жой уйларига қўшилиб олинган. Ёиш заводи ҳудудни ўзлаштириб тепалик тупроқларини буткул вайронага айлантирган. Тепаликдан асар ҳам қолмаган.

Юган тепа шаҳар ҳудудининг таҳлили

Раҳбар:

Салимов О. М.


Битирувчи:

Дусмухамедов А.А.


Юган тепа шаҳар ҳудудининг таҳлили

II.1 Шаҳар қалъаси аҳамияти ва вазифалари

Шаҳарда бозорлар, оташхоналар , хоммом, қудуқлар, турар жойлар ва ҳунармандлар шаҳари мавжуд бўлган. Қадимдан тарихий шаҳарларнинг қалъалари ҳар хил: диз, кўхна диз (рус тилидаги адабиётда - кухениз), арк, қалъа ва ўрда деб номланган. Ҳозирги кунда бундай тизимларга умумий қалъа деган ном билан аташ мақсадга мувофиқдир. қалъалар турли шаҳарларда турли бўлиши билан бирга ўхшаш томонлари ҳам бўлган. Улар шҳарни бошқариш учун хизмат қилган. қалъалар атрофи қалин ва баланд деворлар билан ўралган бўлиб, девордан бўртиб чиққан ярим минора шакилли буржлар, девор тепасига кунгуралар бўлган. қалъага киравериш дарвоза тариқасида ҳал этилган. Дарвозалар одатта битта бўлган, лекин уч-тўрт дарвозали қалъалар ҳам маълум.





Қалъалар ичкарасида сарой мажмуаси, мулозимлари, аскарлар учун мўлжалланган бинолар, масжидлар, ҳовузлар ва бошқа иншоотлар ҳам қурилган. қалъаларнинг асосий иншооти ҳисобланган сарой аскари икки қисмга бўлинган. Биринчи қисми расмий идори ишлари учун мўлжалланган.



Бу қисмида кўриниш хона (арзхона, саломхона) ном билан аталадиган зал бўлган. Иккинчи қисми истиқомат учун мўлжалланган эди. Унинг асосини харам хоналар ташкил этган. Баъзи қалъалар ичида масжид, мақбара каби бинолар ҳам мавжуд эди. Ўрта Осиё кўхна шаҳарларидаги ҳукмдорлар қароргоҳи жойлашган қалъа баланд ўрда ҳисобланган. Табиий баланд тепа ёки махсус яратилган баланд дўнглик устига қурилиб, атрофи баланд девор билан ўралган, бир ёки иккита дарвозаси бўлган. Ёзма манбаларда қалъалар кўрғон, истехком ва шаҳар маъноларида тилга олинади.

калъалар доира, тўғри тўртбурчак, квадрат ёки овал тархли бўлиб, атрофи баландлиги ўртача 9 – 10 м, қалинлиги 3 – 4 м, мудофа девор билан ўралган.



Девор ташқарисидан чуқур (2-3м) ва қалинлиги 10 – 15 мли хандак-ховуз ковланган. қалъа девоир пахса ва йирик ҳом ғиштлардан барпо этилган. Девор бўйлаб мўлалар, айнқса унинг бурчак қисмларида доира ёки тўртбурчак шаклдаги буржлар қад кўтариб, уларнинг бир ёки икки қатор нишон туйнуклари- шинак (тиркаш)лари бўлган. қалъада бир ёки икки дарвоза бўлиб, улар стратегик жихатдан жуда мустахкам қилиб қурилган. қалъа ичида аҳоли турар жойлари, от улов ва моллар учун отхона, молхона ва кўралар бўлган. камал воқтида эса, зарурий озиқ овқат, йем-хашак, қурол-яроқ, камон ўқлари ва палахмон тошлари сақланган.

Бухоро ва кашқадарё воҳаларида қалъалар одатда, қорғон деб юритилган. Ромитан, Ерқўрғон ва бошқа кўрғонлар ҳам мустахкам девор билан ўралиб, бир неча дарвозаси бўлган шаҳар қиёфасидаги қалъа ҳисобланган. қалъалар шубҳасиз қадимги ва ўрта асрларнинг ўзига хос меъморий обидаси ҳисобланади. Улар аввало, аҳоли яшайдиган турар жой, мудофаа иншооти, ёвгарчилик даврларида камалдаги ҳарбийлар қароргоҳи, озиқ-овқат ва қурол-яроғ омборхоналари каби вазифаларни ўтаган.

Шахристон ва рабод


V-IX асрларда кўпчилик қадимги шаҳарлар тикланилди. Янгилари қарвон йўллари бўйларида вужудга келади. шаҳарларнинг тузилиши аввалги вақтдагидан фарқланган. Олдинги дизيار фақат сиёсий мавкега эга бўлган шаҳарлардагина ўз эътиборини сақлаб қолди. Бошқаларида эса дизлар мавкеларини юқотиб ҳаробага айланди. Адабий манбаларда улар "кууандиз " – кўҳна диз деб номланади. Бу вақтда шаҳарларнинг асосий қисмлари одатда шахристон дейилган. Шаҳар ривожидавомида унинг теваарагида рабод шакллана борган.

Шаҳарлар қудуқ очик ариқ ва сопол қувурлар ёрдамида сув билан таъминланган. Йўлларни ва қарвонларни химоя қилиш мақсадида кўплаб рабодқурилди. Шаҳарларни сув билан таъминлаш катта аҳамиятга эга бўлган.

Аксари сув ариқлардан келтирилган, ҳовузларда туташтирилган. Баъзан йеростки сопол қувурларидан фойдаланилган.

“қовунчи маданияти”ни юқори ютуқларга эришиши шундан гувоҳлик берадики, асосан монументал биноларнинг қурилишида ақл билан ишланган равоқлар, гумбазлар архитектура соҳасида юксак намуна бўлиб хизмат қилади.

Ушбу диплом ишида кўриб чиқилган манбалар асосида ҳамда қўшимча археологик қазилмалар ёрдамида қалъа девор, арк ва барча бинолар пойдеворларининг жойини аниқлаш ва консерватсия қилиш мумкин. Кейинги бобларда Юган тепа комплексининг ҳар бир иншоотларининг таснифи келтирилган. Ҳар бир иншоотни қайта тиклаш асраш, таъмирлаш учун қилинадиган ишларга оид таклифлар ишлаб чиқилган.



II.2 Бино ва иншоотлар меъморлиги

VIII аср бошидан Ўзбекистонда ислом динининг тарқалиши, Моварауннахрнинг халқаро миқёсида эътибор кучайиши, бошқа мамлакатлар билан, айниқса Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлар билан алоқаларнинг кенг кулоч ёйилиши, янги хилдаги иншоотлар – масжидлар, мақбаралар, рабодлар, кейинроқ мадраса каби биноларнинг тарқалишига сабабчи бўлди. Янги турдаги бинолармеъморлигининг шаклланишига ҳамда тез ривож топишига аввалги меъморликдаги усул ва қоидаларга таянилди.

Моварауннахр бутун мусулмон дунёсида дин, фан, адабиёт каби инсоният жабхалари билан баробарида шаҳарсозликда меъморликда ҳам етакчилик қилган.

Масжидларда намоз ўқиладиган жой, меҳроб – Макка тарафини кўрсатувчи токча, бинбар – ваъз қилинадиган қурилма ва минора намозга чақириладиган қурилма мавжуд. Масжидлар маҳалла масжиди, жоъме ёки жума ва намозгоҳ турларига бўлинади.

Гарчан ўтмиш даврлардан ҳам пишиқ ғишт қўлланилган бўлсада, бу даврдан эътиборан у кенг миқёсида қўлланилди. Пишиқ ғишт япалоқ шаклда бўлиб бир мунча майдароқ (кейинги даврларга нисбатан) ўлчамларга эга бўлган. Ганч қўлланиши ҳам кенгайди. Ғиштнинг япалоқлиги уни деворда (ёки бошқа конструкцияларда) мустаҳкам ўрганишига имконият берди. Ганч ҳам ўзининг эластиклик қобилияти билан ҳарактерланади. Бу икки жихат билан ганч иморатларининг зилзилабардошлигини таъминлади. Равоқ ва гумбазларининг учли қилиб қурилиши ҳам зилзилабардошлик билан боғлиқ. Учли равоқ – гумбазларга монанд равишда тоқларнинг ҳам чўққилари чўзиқ, чиқазиладиган бўлди. Тоқ – гумбазли конструкциялар IX асрга келиб ўзининг асосий жихатлари бўйича шаклланиб бўлди.

Меъморий безак соҳасида деворий суратлар ўрнини турли нақшлар эгаллади. Жонли нарсаларнинг тасвирлари деярлик қўлланилмайди. Айрим ҳоллардагина айвонларнинг тасвирлари учрайди. Бунга Самарқанд

Афрасиёбидаги саройнинг ганчкор изораси (деворнинг пастки қисми), белови карвон саройида кириш пештоқининг бағали (тимпани) мисол бўла олади. Гирих – мураккаб хандасавий нақш турли-туман кўринишларда иморатларнинг беагида асосий ўринни эгаллайди. Рабодий нақш – ўсимликсимон нақш алоҳида ёхуд гирих чизикларининг ораликларида ишлатилади. Эпиграфик нақш – ёзув кўринишидаги безак кўпроқ арабий ёзувнинг кўфий хатида бажарилади. Меъморий безакда асосан ганч ва керамик ашё қўлланилган. Керамик безак ўйма сопол тариқасида ишлатилган. Майда ғишларни турли ҳолатларда териш натижасида хилма-хил нақш ҳосил қилиниб, юқори даражадаги бадий эффектга эришилган. Наққош усталар ёғочнинг бадий имкониятлар тўла ўзлаштирганларини бизгача сақланиб келган Искандар меҳроб, Оббурдон ва Курут устунлари далолат беради.

Бу даврда тўрт таянчли хона меъморий мавзусининг ривожини Мох, Деггарон, Чор сутун масжидларида ўз аксини топади. Бинолар композициясида асосий ўринни марказийлик эгаллади. Иншоотларнинг тархлари кўпроқ мурабба шаклига эга бўлди. Аксари марказийликни бурчаклардаги бурж (Термиздаги Қирққиз саройи) ёки гулдасталар (Бухородаги Сомонийлар мақбараси) кучайтиради. Тўрт томони айвонлар билан қуршалган, ховлилар бино композицияси аввалги даврлардаёқ (қалъаи қир саройида, Термиздаги Зартепа биқарасида) қўлланилган бўлса ҳамки бу асрларга келиб иншоотларда (масалан, Беловил карвон саройи, айниқса Дандакадаги масжид) ховлилар алоҳида, кучли композицион марказ вазифасини ўтай бошлади.

Марф атрофида қурилган кўшкларда энг илк ўрта асрлардаги жихатлар сақланиб қолди. Кофир (Говур) қалъадан шимолдаги Харам Кўшк (IX аср) тўғритўртбурчак (15 x 19 м) тархга эга. Деворлари плитали, пастки қисми – суфаси нишабли сиртга эга бўлган.

X асрдан мавжуд бўлган шаҳарлар аро иншоотларидан Тохирия работи маълум. Унинг таркибида карвонсарой ҳам бўлган. (49–ад., 229–б.)

Урганч – Волга бўйи савдо йўли бўйлаб тошдан ишланган карвонсаройлар, соқчилик қурилмалари (миноралари) ва қудуқлар қолдиқлари учрайди. Беловул карвон саройи ховлили, киравериш пештоғи алоҳида ажратилган улуғвор кўринишга эга бўлган иншоотдир (49-ад. 208-б.)

Дохистондаги Шер каби масжиди (IX-X а.) – тузилиши жихатидан жуда содда бўлиб биргина хонадан иборат. Гумбаз билан ёпилган. Меҳроби уч: катта, ундаги ўрта ва ўртадаги кичик токчалардан иборат. Катта токча даврапўя шаклида, ўрта токча оддий – учли равоқ ва кичик токча Мағриб меъморлигига хос токчасимон равоқ шаклларда ишланган. Токчасимон равоқ кейинчалик Марказий Осиёда қўлланилмаган.

Доидакандаги масжид (Серахс ва Марв шаҳарлари оралиғида, X аср) Марказий Осиёдаги дастлабки ҳовлили маҳобатли (монументал масжидлардан бири деб ҳисоблаш мумкин).

Термиздаги Чорсутун масжиди айвон тариқасида қурилган бўлиб, унинг икки тарафи – шимолий ва шарқий томонлари очик. Қолган икки девор ва ўртадаги 4 устун асосий юк кўтарувчи конструкция вазифасини ўтайди. Очик ҳар томонини иккитадан тарҳи думалоқ таянч – устунлар ва уларнинг бурчагида тарҳи шаклдор бўлган таянч белгилаб туради. Ёпманинг асосий оғирлигини ўртадаги тўрт устун кўтариб туради. Тўрт – чор устун деб аталишининг сабаби ҳам шундадир.

Афрасиёбда (Самарқандда) бутунлигича сақланмаган бўлсада IX-X асрларга оид Шаҳристонда Сомонийлар саройи (Исфизор гузарида) ва масжид қолдиқлари топилган. Саройнинг изораси ажойиб ганчкор паргорий гирих безатилган эди. Масжид меҳробида ҳам ганч қўлланилган. Ён томонларида, қирраларида гулдасталар ишлатилган. Гулдаста пастида кўзаги мавжуд. Ганчга чизиқли нақш берилган.

Улардан ташқари Афрасиёбда гумбазли бино қолдиқлари топилган бўлиб улар тадқиқотчиларга бинонинг дастлабки ҳолатини график тиклаш имкониятини берди. Бинода ҳам гумбазли, ҳам устун – тўсинли конструкция қўлланилган. Бино ажойиб ганчкор безакларга эга бўлган.

Тим қишлоғидаги Араб ота мақбараси хажмий композицияга эга бўлган Сомонийлар мақбарасидан фарқли ўлароқ фронтал композицияда бунёд этилган. Унинг кириш эшиги фақат бир томонда ташкил этилган. Араб ота мақбарасининг саккиз ёнлик бурчакларида деворатив устунчалар мавжуд. Устунчалар конструктивликни йўқотган – пастда ҳеч нарсага таянмайди. Гумбаз остки конструкцияни кейинги даврларда тарқалган муқарнасларнинг нафақат Моварауннаҳрда, балки умуман жаҳонда дастлабки намунаси деб ҳисоблаш мумкин.

Бухоро уйларига мисол тариқасида Варахшоҳда топилганларини келтириш мумкин. Деворларининг паст пишиқ ғишдан, усти паҳсадан ишланган. Уйларнинг ўртаси ҳовлидан, атрофи турли хоналардан иборат.

Илк масжидлар архитектураси шаклланишида Термиздаги Чор сутундан ташқари Бухородаги Моҳ, Хазора қишлоғидаги Деггарон номли тўрт устунли масжидлар алоҳида роль ўйнайди.

Моҳ масжиди оташпарастлик даврдаги Моҳ ибодатхонасини мослаштириш натижасида вужудга келган. Бино ўртасида тўрт устун мавжуд. Улар масжиднинг ички муҳитига марказийликни бахш этади. XI асрда масжиднинг киравериш қисмида қайта қуриш ишлари олиб борилган. Ўтган давр мобайнида масжид атрофи маданий қатлам ҳисобига анчагина кўтарилиб қолган. Масжид ҳозирги вақтда Мағоки аттори номи билан аталади. XVI асрда ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилган. Сиркор қопламалари ўша вақтда пайдо бўлган.

Деггарон масжиди XI асрда Бухоро воҳасининг Хазора қишлоғида қурилган. XX аср бошлари масжиднинг шарқига икки қатор, жанубига бир қатор устунли айвон қўшилган, кўҳна Шарқий қисми қайта тикланган. Масжид ташқаридан унча кўринишли бўлмасада, унинг бетакрор файзи ичида жамланган.

Деггарон масжиди тўртбурчак тарҳга эга. Деворлари паҳсадан урилиб, улар бинонинг устки қисмидан келадиган туртки кучларини ютишига мўлжаллаб деворларнинг ички сатҳини тик, ташқисини қияроқ қилиб

ишланган. Тўрт устунларининг оралиғларига катта равоқлар ва ҳар устундан деворларга иккитадан кичик равоқлар ташланган. Бунинг натижасида масжиднинг ички муҳити ҳар бири гумбаз билан ёпилган тўққиз бўлмага ажратилган. Обида ичининг пастларида (равоқларнинг лингасигача) нимпушти, майда (21x21x3 см), тепаларида хирарок, йирик (24x24x4 см) ғиштлар ишлатилган; улар равоқ лунжиларининг пастиди лўк (ётик), тепаларида тик терилган. Масжиднинг айрим жойлари сувалиб, ёқимли бежирим сатҳ ҳосил қилади; баъзан эса ғиштлар сувоқдан бўртиб туради. Устунларнинг курсиси (базаси) тик ва лўк ғиштлардаги юнон базасига ўхшаш шаклда чиқарилган. Ҳар катта равоқларнинг лунжларида уч жипслашган таёқчаларни эслатувчи ўнта (томонларида бештадан) шакллар ёпишган. Ғарбий ва Шарқий томонларда таёқчалар кирраклик, шимолий ва жанубий равоқларда думалоқ шаклларга эга. Энг катта, марказий гумбазнинг қалинлиги пастда икки ғиштли, поғона оралаб бир ғиштга ўтади. Юқорида гумбаз тепага сал чўччаяди ва думалоқ дарча билан битади. Гумбазнинг пастиди (жанубдан) туйнук бор.

Деггарон масжидининг шимолий ва жанубий ўрта бўлмаларининг кичик равоқлари тепасида узоқдан шарафани эслатувчи ғишт терилмалари оралиқни қисқартиради. Улар икки поғонали бўлиб, пастди тоқчадан, юқориси қалдирғоч думидек айри ғиштин шакллардан иборат. Ўрта бўлмалар (Шарқийсидаги мустасно) балхий гумбаз билан ёпилган. Шимолий ва Жанубий гумбазларда иккитадан туйнук бўлиб, ҳозир марказий гумбазга яқинлари урилган. Бино ғарбидаги икки бурчак бўлмаларининг юқори бурчакларида содда, бироқ, чиройли ғиштни муқаннас гажаклар (паруслар) бўлиб, шакллари бўлмаларда бироз фарқланади. Бу бўлмалар ҳам чуқур гумбаз билан ниҳояланган. Шарқ томонни аввалги, асл шакллари таъмирдан сўнг сақланмаган. Ўрта бўлма кам учрайдиган қирралик гумбаз билан, ёндагилари бошқача усулда ёпилган. Натижада бино ичининг яхлитлиги бир мунча бузилган.

Деггарон масжидининг ўлчамлари аниқ ва мавзутик тартибларга бўйсунди: масалан, катта равоқнинг баландлиги устунларнинг ўқ ораликларига кенг, устунларнинг бўйи кичик равоқларнинг қадамига тенг ва ҳ.к. Масжидда, ислом меъморлигидан аввалги усуллар қўлланилганлиги ва янги усуллар изланилганлиги яққол кўринади. Бу ва бошқа жихатлар Деггарон масжидини ноёб ёдгорликлар қаторига қўшади.

Мақбаралар меъморликдаги биноларнинг муҳим типи бўлган. Бухорода IX-X асрлар чегарасида жаҳон меъморлиги шох асарларидан бўлган Сомонийлар мақбараси бунёд бўлди. У марказий композицияга эга. Хажман куб ва ярим сфера шаклларидан иборат. Куб пастда мақбара супаси билан, тепада равоқлар қатори билан чегараланган. Кубнинг ўрта қисмида ҳар тарафда киравериш равоқлари ва бурчакларида гулдасталар (ботик цилиндрлик шакл) жойлашган. Майда ғиштларда ишлаб чиқилган. Гилям тариқасида безак ҳам экстерьерда, ҳам интерерда ҳосил бўлган. Конструктив жихатдан мақбара тўрт ёнлик (кубнинг асосий пастки қисми)-саккиз ёнлик (кубнинг юқори қисми)-гумбаз тизимидан иборат. Саккиз ёнлик тўртала томонларда деворий равоқларидан ташкил топган. Бурчак равоқларини ичкаридан ярим равоқлар тираб туради. Саккиз ёнлик қирраларида ғиштин устунчалар қилинган. Улар гумбазнинг ичкарига кириб осилиб турган симларини кўтариб туради. П.Зоҳидовнинг таҳлиллари мақбара тархи динамик квадрат қонуниятларига бўйсунганини кўрсатади.

Карманадаги Мирсаид Баҳром мақбараси бир эшиклидир, яъни фронтал композицияда қурилган. Тарздаги равоқларни атрофидан ўтган ёзув хошияси чегаралайди. Ички тузилишида тўрт ёнлик саккиз ёнликдан аниқ қилиб ажратилган. Саккиз ёнлик пастдан (полдан) бошланган устунларга таянади.

XI-XIII аср меъморлиги. Маҳобатли иншоотлар учун XI-XIII аср бошида пишиқ ғишдан олдинги даврга караганда янада кенгрок фойдаланилди. Кўп ҳолларда ғишт жуфтлаб ишлатилган. Улар оралиғида капалаксимон киритмалар бўлган.

Марказий Осиёда дастлабки бор сиркор қопламалар пайдо бўлди. Сирлар шишасимон (кварцли) моддан ишланган.

Гумбаз қуришда янги ютуқларга эришилди. Унинг турлари кўпайди.

Гумбазлар конструктив ва бадий жихатлардан такомиллашди. Гумбазлар бир неча қобиғли ҳам қилина бошланди.

Биолар ёпмалари учли ички (конструктив) ва гардиш ёрдамида тагидан ҳам кўринарли қилиб баландга кўтарилган ташқи (декоратив) гумбазлар тариқасида ишлана бошланди.

XI-XIII аср бошида шаҳарларда қурилиш миқёсининг ниҳоятда кенгайиши кўпчилик биоларнинг композицион ечимига ҳам таъсир кўрсатди. IX-X асрларда композицияда марказийликдан фронталликка ўтилди. Пешток муҳим унсурга айланди.

Меъморий мажмуалар композицияда аввало масжидлар меъморлигида вертикал (тик урғу) иншоотлар-миноралар катта рол ўйнай бошлади.

XI-XII аср боши меъморлигида нақш аҳамияти кенгайди. Сопол, ёғоч ва ганж ўймакорликлари ажойиб намуналари яратилди.

XI-XII аср бошида Марказий Осиёда меъморий мактабларнинг ўзига хос жихатлари кучайди. Бу айниқса сон жихатдан бизгача яхши етиб келган мақбаралар меъморлигида кузатилади. Ўзига хосликлар жануби-ғарбий (Шимолий Хуросон), шимоли-ғарбий (Хоразм), Марказий (Моварауннаҳр) шарқий (Ф арғона) ва шимоли-шарқий (Қозоғистон жануби ва Қирғизистон шимоли) меъморий мактабларида ёрқинроқ сезиларди. Улар қурилган иншоотларнинг хажмида (катта-кичиклигида) ёпмаларда, безакларнинг миқдорида, маълум бадий воситаларнинг устиворлигида намоён бўлди.

Саройлар. Турар уйлар мисоли сифатида Хоразмдаги Қават қалъа атрофидаги дала ховлиларини келтириш мумкин. Улар бир неча хоналардан

иборат бўлган. Ховли атрофи девор билан ўралган. Ховлиларни сатҳида ёки унинг ёнида аксари каптархона деб номланадиган болахонали қурилмалар ажралиб турган. Каптархоналарни безашда пахса ўймакорлиги ёки деворий устунлар қўлланилган (49-ад., 224-б.)

Қават қалъада нисбатан кичик оддий ховлилар орасида ташқи томони 47 м ни ташкил этган мурабба (квадрат) тархли кўшк диққатни тортади. Киравериш гумбазли дарвоза хона билан белгиланган. Кўшк бўлақларини киррадор мустаҳкамлаб туради. Кўшк ичидаги ховли атрофида турли хоналар бўлган (49-ад., 223-б.)

Марв атрофидаги икки қаватли пахса кўшк ўлчамлари кичикроқ – 20 м дан салгина ортиқроқдир. Унинг ўртасидаги хона икки қаватли бўлган. Иккинчи қаватга кўшк бурчагидаги айлана зина ёрдамида чиқилган (49-ад., 224-б.)

Марвнинг Шаҳриёр аркидаги сарой (XI аср ташқи ўлчамлари: 45 x 39 м, ховлиси: 16 x 16 м) ҳам хом ғиштдан ва икки қаватлидир. Ховли томонларининг ўрталарида “чукур” айвонлар композицион ўқларни белгилаб туради (49-ад., 225-б.)

Термиз шохлар саройи шаҳарнинг шимоли-шарқида XI асрда қурилган. Бўйлама ўқда ғарбда кириш пештоқи, шарқда асосий айвон-ховли томонга очик зал қурилган. Ховлисида катта ховуз бўлган. XII асрда деворлар ажойиб ганжкорлик билан пардозланган. XV асрда бузилиб кетган (49-ад., 225-227-б.)

Хутталон жанубий Тожикистон пойтахти Хулбук аркидаги сарой (XI-XII) хом ва пишиқ ғиштдан қурилган эди. Термиз шохлар саройиникига ўхшаш юқори савияда бажарилган ганжкорликка эга бўлган (49-ад., 225-б.).

Бу даврда рабод ва карвон саройлар кўплаб қурилган. Моварауннахрнинг икки муҳим шаҳарлари Бухоро ва Самарқанд оралиғида Работи маликда олиб борилган тадқиқотлар, бу иншоот жуда катта ва бир неча ховлилардан ташкил топганлигини ва юксак меъморий савияда қурилганлигини кўрсатди (352-китобдаги 356-ад., 357-ад., 358-ад.)

Омул (ҳозирги Чоржуй)-Хоразм йўлида қурилган Доя хотин қарвон саройи нисбатан яхши сақланган. Томонлари 50 м да зиёд бўлган мурабба (квадрат) тарҳга эга. Ховлилий тўрт айвонлиги композицияда барпо этилган (49-ад., 227-229-б.)

Работи Малик ва Доя хотин қарвон аройларининг асосий ўқларининг ҳар бирида ҳам катта хоналар-заллар жойлашган. Уларнинг гумбазлари саккиз таянчга асосланган бўлган. Бу аввалги тўрт таянчли залдан иборат меъморий мавзунинг янгича, такомиллашган кўринишидир.

Ал Аскар шаҳридаги (Марв воҳаси) қарвон саройда (XI-XII а.) хоналар ўз вазифаларига (функцияларига) кўра гуруҳларга уюштирилган (49-ад., 227-б.)

Марв – Омул йўли бўйидаги Ахча қалъа қарвон сарой бир неча ховлилардан ташкил топган (49-ад., 227-б.)

Хоразм – Жанубий Туркменистон – Эрон йўлидаги Ўзбўйнинг қирғоқларида сақланган қарвон саройлар ўзига хос жихатларга эга бўлган. Бошқа қарвонсаройларда ажратилиб турган. Улар қаторига доира тарҳли Оқ Яйла ва Талахон ота қарвон саройлар қиради (49-ад., 229-230-б.)

Бу давр иншоот турларидан бири мадрасалар анчагина қурилган бўлсада (бу тўғрисида ёзма манбааларда маълумотлар бор) бизгача сақланган эмас.

Ҳаммомлар маиший ҳаётда ҳамиша ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб келган. Нисадаги (XII а.) ва Тароздаги ҳаммом қолдиқлари қадимшунослар томонидан ўрганилган. Иккиси ҳам деворий нақшларга эга бўлган. Адабиётда Марв ва Бухоро ҳаммомлари алоҳида таърифланади

Гумбазлар ховузлар-сардобалар нафақат қарвонларп йўлида, балки шаҳарларнинг ичида ҳам қурилган. Шаҳар сардобаси мисоли тариқасида Марвдаги кулоллар маҳалласидаги сардобани кўрсатиш мумкин

XI-XIII аср боши уч асосий жоъма, маҳалла ва намозгоҳ масжидларидан сўнггиси (намозгоҳ) бизгача етиб келган. Етиб келмаган жомъелар кўпроқ гумбазлар билант ёпилган ва тўрт (ёки икки) айвонли

композицияда, маҳаллар, масжидлар кўпроқ ясси томонли бўлган деб фараз қилиш мумкин. Масжидларнинг айрим унсурлари (устунлар, меҳроб ва миноралар) сақланган.

Хива жомъе (жума) масжидининг қурилишини аксари XVIII асрга йўйилса-да ундаги 212 устундан 25 таси (49-ад., 251-б.) ўйма битикларига қараганда X-XII асрда ясалгандир. Бу устунлар ўзининг ажойиб ўйма ислимий, гирих ва хаттойи (эпиграфик) нақшларга эга.

Искодор қишлоғи (Зарафшон водийси, Тожикистон) меҳроби ҳам ёғочдан ишланган бўлиб ноёб нақшлар билан безатилган (49-ад., 251-б.)

Курут қишлоғи (Тожикистон) топилган ёғоч меъморий унсурлар у даврнинг етук ўймакорлигидан дарак беради.

Миноралар устивор вертикал бадий унсур сифатида шаҳар шариясида (силуэтида) алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Аксари миноралар уч: саккиз қирралик пастки, тепага қараб ингичкалашиб кетадиган асосий ўрта ва тепадаги азон айтиладиган қафаса қисмларидан иборат бўлган.

Тўқмоқ яқинидаги асл номи аниқланмаган Буруна шаҳарининг минораси X-XI асрларга мансубдир. Минора 21,6 м гача сақланган. Дастлабки бўйи икки баробар узун бўлган деб таҳлил қилиш мумкин.

Термиздаги Чорсутун масжиди минорасининг (1032 й.) ўзаги бошқа миноралардан фарқли ўлароқ цилиндрик шаклга эга бўлган.

Ўзгандаги минора XI аср ғиштин безак билан пардозланган, 17 м гача сақланган. Қафасаси пастроқ сатҳда XX асрда қурилган. Дастлабки баландлиги 40 м атрофида бўлган деб тахмин қилинади

Жарқўрғондаги минора ўзаги сиртидаги 16 ғаровлари (ярим цилиндрик шакллари) лўк ва тик терилган ғиштлардан ташкил топган. Ёзувлар минора XII асрда (1108-1109 йил) Мухаммад Серахсий ўғли уста (меъмор) Али томонидан қурилганлиги тўғрисида гувоҳлик беради.

Машхади Мисриён (Доғистон) минораларининг бири XII аср бошида (1102 йил), иккинчиси XIII аср бошида барпо бўлган. Иккисининг ҳам ғиштин парدوزи ўзакнинг тепа қисмига жойлаштирилган эди (49-ад., 253-б.)

Бухородаги Калон минораси (1123 йил) Пойи Калон меъморий мажмуасининг дастлабки қурилган иншоотидир. Унинг баландлиги 45,6 м бўлиб шаҳар шарпасида (силуэтида) ҳам алоҳида рол ўйнайди. Мустаҳкам қўринишга эга. Унда қўлланиши кейинчалик меъморий русумга айланган сиркор қопламалар учрайди.

Калон минорасининг қиёфаси ундан 70 йилча кейин (1196-1197 йиллар) қурилган Вобкентдаги минора қиёфасига таъсир кўрсатган. Вобкент минорасининг баландлиги (38,7 м) Калонникига яқин бўлган ҳолда эни (диаметри) Калонникидан сал кам икки баробар кичик бўлгани у қоматлироқ кўринади.

Ўрта Осиёдаги илк масжидлардан бири бўлган Дандакандаги масжиднинг ғарбий қисми XI аср охирида ёки XII аср бошида қайта қурилади, янги ажойиб хандасий, наботий ва кўфи ёзувдаги хаттойи ўйма ганжкорлиги билан безалади (49-ад., 209 ва 241 бетлар).

X асрга оид бўлган Бухородаги Мох масжиди икки қарра жиддий ўзгартиришларга учраган. Биринчи бундай ўзгариш XII асрда бўлиб ўтган. Бу даврдаги ўзгаришлар жанубий пештоқ гувоҳлик беради. (иккинчи ўзгариш XVI асрга мансубдир). Масжиднинг кейинги тарқалган номи Моғокий Атторийдир.

Бу давр намозгоҳ масжидларидан Марвдаги Талхотон бобо номли ёдгорлигини ва Бухоро намозгоҳини зикр этиш зарурдир.

Талхотон бобо намозгоҳи нисбатан кичик фронтал композицияда барпо бўлган иншоотдир. У тархда уч қисмга бўлинган.

Юган тепа шаҳар қалъаси биринчи Салар водийси тепалигида ҳосил бўлган. Марказий тепаликдан ҳосил бўлган ва атрофи ўралган. Архаик жойлашиш плани ва Профили мавжуд. Кейинроқ ғарбга қараб ёйилган феодал шаҳарга айланган. Кучли девор билан ўралган Гумбазли шаҳар. Бу пайтда Юган тепа қўриқчи кучлар сифатида фойдаланилган бўлиши мумкин. Тепадан ғарб томонда шаҳарча жойлашган. Шаҳарча тенг ярмидан шарққа қараб турган девор ва гумбаз билан ажратилган. Ғарб қисми ситадел вазифасини

базарган,бу ерда 3 та сув ҳавзаси ўрни мавжуд бўлган. Бутун шаҳарча майдонида замонавий йер тўлалар қазилган, уларда қозоқлар яшаганлиги излари биланади.

Шаҳарда бозорлар, оташхоналар хоммом, кудуқлар, турар жойлар ва хунармандлар шаҳари мавжуд бўлган. Пахса қалинлиги ҳамма жойда бир хил эмас 1,10м дан 0,40м гача, кўрғон деворлардаги миноралар йигирмата бўлган, асосан мудофа вазифасини базарган ва деворларни мустаҳкамлигини ҳам тامينлаган. Деворлар таг қисми қалинлиги 6м гачам бўлиб, юқори қисмига қисқариб борган, юқори қисми 3м аскарлар ҳаракатланиши учун эса 2м ли йўлак қилинган. қалъага кириш қисмида майдон бўлган, бу майдон тахминан 80м бўлган. Майдон асосан Хужумлар воқтида душман тарафга камон ўқлари билан ҳужумлар қилинган. Яна бир тахмин карвонларга қулай тўхташ жойини ҳам ўтаган.



Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меъморчилик ва бинокорлик қадим замонлардан - милоддан аввалги III мингинчи, баъзи маълумотларга кўра, X мингинчи йиллардан бошланган. Жуда кўп археологик қазилмалар бу юртда

оташпараастлар ва будда динларига мансуб бўлган ибодатхоналар қурилганлигидан далолат беради. Ўша даврларда қалъалар қурилиши ҳам кенг ривожланган. Қалъалар баландлик жойларида қурилиб, ташқи ёвлардан мудофаа вазифасини ўтаган. Ҳозирги кунда ҳам 400 га яқин қалъаларнинг қолдиқлари Ўзбекистон ҳудудида мавжуддир. Аҳолининг бир қисми кўчманчиликдан ўтроқликка ўтгач, тош, гувала, пахса, синчли уйлар қурила бошланган. Бронза даврида Ўзбекистон ҳудудининг жанубида мураккаб архитектура комплекслари вужудга келган. Бронза, кумушдан нафис заргарлик буюмлари, идишлар тайёрланган, сопол идишлар бўйлаб геометрик нақшлар билан безатилган. қовунчи тепадан топилган сопол буюмлар (шакл жиҳатдан турли-туман: қозон, хурмача, хум пиёла, қадах, кружка ва бошқалар) қулоллик чархининг ёрдамисиз қўлда тайёрланган. Илк темир даврида қалъа-шаҳарчалар қурилган.

қалъалар ярим доира шаклидаги миноралар, девор ичи йўллари, тийрандоз ўқчилар учун мўлжалланган кўпгина туйнуқлар билан қурила бошланган. Тўғри бурчакли ёки доира шаклига эга конструкциялар қалъа деворларини мустаҳкамлаган. Шаҳарларнинг барчасида қўрғон ва алоҳида маъмурий ҳукумат комплекслари, девор ортида эса хавфли ҳарбий ҳаракатлар кунларида шаҳар аҳолисини бошпана ва ҳимоя билан таъминлаш мумкин бўлган иншоотлар бунёд этилган. қишлоқларда алоҳида қўрғонлар бунёд этилган.


Грек-Бақтрия подшолиги даврида зарб қилинган кумуш, бронза тангалар юксак санъат билан ишланган, улардаги портретлар ўзининг реалистик руҳи билан муҳимдир. Кушон подшолиги даврида кумуш ва бронза тангалар зарб қилиш билан бирга терракота ҳайкалчалар тайёрлаш санъати кенг авж олган. Сопол, кумуш идишлар рельеф билан бадиий ишлов берилган. Араблар истилоқилган ерларида дастлаб масжидлар қуришга, қадимий ибодатхоналарни масжидларга айлантиришга эътибор берганлар. Шу асосда меъморчилик ва бинокорликда жонланиш бошланган. Шаҳарлар шаҳристон ва работларга ажратишиб қурила бошланган.

курилиш техникаси такомиллашган бинолар IX-X асрларда асосан пишиқ ғиштдан бунёд этилган. Монументал биноларда тоқ-гумбаз конструкциялари кенг қўлланилган. Ислом дини тирик мавжудотни тасвирлашни ман этганлиги тасвирий санъатнинг ўсишига кенг имкон бермаган, бироқ наққошлик ривож топа бошлаган. Масжид, мақбара, сарой, мадрасалар нақш билан безатила бошланган.


IX-X асрлардан гириҳ санъати юксалган, араб ёзуви безак-нақш даражасига кўтарилган. X асрдан куфий, XI -XIII асрлардан насх ёзуви меъморчиликда кўп ишлатила бошлаган. Илк ўрта асрларда саройлар шаҳар қалъасидан ташқарида қурилган бўлса, X асрдан бошлаб саройлар шаҳар таркибида барпо этилган. Сарой меъморчилигида ёғоч конструкциялардан кўп фойдаланилган.

Сомонийлар даврида амалий-безак санъати, айниқса кулоллик, шишасозлик, ёғоч ўймакорлиги яхши суратлар билан ривожланган. Монументал меъморчиликка катта эътибор берилган, турар-жойлар, хунармандларнинг устахоналари, саройлар, маъмурий бинолар, савдо расталари, ҳаммом, масжид, мақбара, минора, мадрасалар қурилган. қурилишда, асосан, пишиқ ғиштдан фойдаланилган. Баъзан бино деворлари хом ғиштдан, томи - гумбази ташқи томондан пишиқ ғиштдан ишланган, хом ғиштдан ишланган девор пишиқ ғишт билан қопланган ва мустаҳкамланган.


Мўғуллар истилоси оқибатида кўпгина шаҳарлар вайрон бўлган. Мўғуллар босқини тасвирий санъатга ҳам, архитектура, амалий-безак санъати ривожига ҳам тўсқинлик қилган. IX-X-асрлар турар жойларида ҳам квадрат тузилишидаги хоналар сақланиб қолган. Жумладан, Чуй воҳасида хоналар томонлари 7,2х7,2; 6,5х7,8 метрли квадратга яқин, ката хона атрофида жойлаштирилган тузилишда учта уй очилган. Марказий хона деворлари оқ ва ҳаворангларда бўялган ва ўймакорлик қилинган ганч юзаларни ташкил қилади.



Панж дарёси яқинида очилган Сайёд шаҳарчасидаги турар жой хоналаридан бирининг деворларида, асосан олтига олти бурчакли нақшларнинг бирлаштирилиши натижасида, олти қиррали ката композиция яратилган.




Марказий Осиёда ислом дини ўрнатилгандан сўнг ибодатхоналар ўрнига масжидлар қурила бошланди. Ўрта асрларда ҳам шаҳарларда жоме масжидлари қурилган. Масжидлар интерерлари безакдан ҳоли бўлган пайтда ҳам унинг тантанаворлигини таъминлаш йўллари изланган.




Кўпроқ конструктив элемент ҳисобига интерер композитсиясини бойитишга эришилган. Жумладан, Карманадаги X-XI – асрларга оид Мирсаид Баҳром мақбарасида гумбаз гардишига асос бўлиб хизмат қилган саккизбурчакнинг бурчак ярим устунлари тўғридан – тўғри пол сатҳидан

кўтарилган. Бу тадбир хонанинг тўғри тўртбурчак қисмига ҳам ўзига хос тантанаворлик бағишлаган ва саккиз бурчак билан тўрт бурчак ўзаро ҳам конструктив, ҳам бадий жаҳатдан боғланган. Шундай тадбирни Термиздаги XI – асрга оид Султон Саодат мақбарасида, Туркменистондаги Талхатанбобо масжиди интерьерида ҳам кўрамиз. Бу тадбир бир қарашда оддий кўрингани билан интерьер кўринишига тубда ўзгариш киритган.



X-XI – асрларда ҳам илк масжидлар тузилиши такрорланади. Масжидларга хо суч хонадан, яъни ўртада марказий хона ҳонақоҳ ва икки ёнида узунчоқ хоналардан ташлик топган тузилишдаги тарх намозгоҳларда ҳам кенг қўлланилган. Даҳистон ва Нисо намозгоҳлари фикримизга далил бўлади.



Архитектура кишилик жамияти тараққиётининг илк босқичларидаёқ пайдо бўлган. Марказий Осиё ҳам ўзига хос Уйғониш даврини босиб ўтган. Архитектура услубида нақш ва рангга алоҳида эътибор берилган, биноларнинг янги турлари ва композитсиялари ижод қилинган. Кейинги даврда ҳар бир халқнинг миллий анъаналари, турмуш шароити, маданияти, табиий шароити ва мавжуд қурилиш материалларига қараб бино ва иншоотларнинг ўзига хос

шакл ва турларини яратган. Архитектурада турар-жой, маданий оқартув бинолари, театр, музей, мактаб, стадион, муҳофаа иншоотлари, савдо расталари, саноат ва транспорт иншоотлари, диний бинолар ва кўплаб бошқа иншоотлар, кўча, майдон, боғ каби саҳнлар орқали ўзаро боғланиб, маҳалла, гузар, даҳа, туман, шаҳар каби комплексларни ташкил этган. Инсоният йер юзида пайдо бўлганидан бошлаб якка ҳолда яшаган эмас. Уруғ жамоалари, қабилалар, элатлар ва халқларнинг шаклланиши натижасида улар ўртасида савдо муносабатлари, тарихий-маданий алоқаларга эҳтиёж сезилган. Инсоният цивилизациясининг пайдо бўлишида ана шу элатлар, халқлар ўртасидаги савдо-иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий алоқалар катта аҳамиятга эга бўлган. Юртимизда шаҳар маданияти юксак даражада ривожланганлигидан далолат берувчи археологик маълумотлар, шунингдек бу ерда аҳоли қадим-қадим даврлардаёқ ўтроқ яшаб деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланганлигидан ҳам гувоҳлик беради. Бу даврда маданиятларнинг ўзаро таъсир доираси фаоллашувига кенг имкониятлар яратилди. Марказий Осиёда жумладан, Ватанимизда шаҳарларнинг кўпайиши, ҳунармандчилик ва илм-фаннинг тараққий этишига олиб келди. Бу ҳудудда шаҳарсозликнинг ривожи милoddан аввалги I- асрлар ёки милoddнинг бошланиши даврларига бориб тақалади. қанқа, Шарқия, Далварзинтепа, Киндиктепа ва Юган тепа каби ёдгорликлар “қовунчи маданияти”нинг биринчи босқичларига тегишлидир. Улар Сирдарёнинг ғарбий қисми текисликларида пайдо бўлди. Иккинчи босқичда шаҳарлар чўл ва тоғ олди эрларида вужудга келади. Ўрта аср шарқ шаҳарларига ҳос бўлган тизим “арк”, “шаҳристон” ва “рабод”лардан ташкил бўлиши Юган тепага ҳам таълуқли бўлган. қалъа қалин девор билан ўраглан ва чуқур ҳандақ билан ҳимояланган. Юган тепа бир неча бор тушкунлик гирдобиди бўлиб қайта ўз мавқеини тиклаган. Сиёсий ва иқтисодий бўронлар унинг шаҳарсозлик, меъморий ва ҳудудий ривожланишига ўзининг таъсирини кўрсатган.

Архитектуравий бўлим

Раҳбар:

Салимов О. М.

Битирувчи:

Дусмухамедов А.А

1. Юган тепа комплексининг график реконструкцияси

Илмий тушунчалар ҳамиша ўзгариб келган, давр талабига мувофиқ тобора мураккаблашган. Ёдгорлик тушунчасида ҳам ҳозирги замон таъмиршунослиги бўйича икки томонлама: тарихий ва бадий қимматлар мавжуд. Ўз навбатида, уларнинг таркибий жиҳатлари бор. Тарихий қиммат ўз ичига нафақат ўтмиш тўғрисида маълумот берувчи қимматга эга. Балки ҳиссий қимматга ҳам эга. Бадий қиммат ўз ичига эстетик жиҳатларни қамраб олади. Меъморий ёдгорлик қурилган даврни, унинг ишлаб чиқариш даражасини, муҳандислик билимларини ўзида акс эттиради. Ёдгорликнинг типологияси ўтмиш ҳаётнинг муҳим томонларини акс эттиради. Жумладан, маданий алоқалар тўғрисида қимматли маълумотлар беради.

Юган тепанинг ҳозирги шаҳарсозлик ҳолатида тарихий ҳудуд турли сабабларга кўра ҳаробага айланган. Турар жойлар ҳам эвалутсион ўзгаришларга дучор бўлган. Уларнинг қадимий меъморий ва режавий тизимлари, унинг дастлабки кўринишлари ҳам бошқача тус олган.

Юган тепа тарихий шаҳар эканини инобатга олиб, унинг бизгача тепалик ҳолида йетиб келган қисмини консерватсия қилиш, муҳофаза қилиш ва имкон даражасида кўкаламзорлаштириш долзарб вазифадир.

Манбалар, архив ҳужжатларида берилган маълумотлар қовунчи тепанинг дастлабки ҳолатини бутунлай бўлмасида график тиклаш имконини беради. қайта тиклашга етарли бўлган қадимий меъморий иншоотларни шаҳарсозлик ҳолатидан келиб чиққан ҳолда қайта тиклаш мумкин. Бу билан шаҳарнинг тарихий муҳитини асл кўринишга олиб келишга имконият тугилади. Шаҳарнинг меъморий кўринишлари, тархларини шу турдаги ёдгорликларни ўрганиш натижасида таъмир лойиҳасини ишлаб чиқишнинг имкони мавжуд.

қадимий шаҳарларга ҳос умумий белги уларнинг мудофаа деворлари билан ўралганлиги ва девор атрофи сув тўлдирилган ҳандақ билан ҳимояланганлигидир. Деворнинг буржлари ва ўқ отиш учун махсус

шинаклари ҳам бўлган. қалъада ҳам ғишдан қурилган катта сарой жойлашган. Шаҳар ичида ҳонадонлар, савдо ва ҳунармандчилик марказлари бўлиган. Даврлар ўтиши билан шаҳар мудофааси мукамаллашиб, бино – иншоотлар такомиллашиб ривожлана борган. Ислом даврига келиб, оташгоҳ ва оташкадалар ўрнида масжидлар пайдо бўла бошлаган. Янги турдаги яъни карвонсарой, бозор, чойхона ва ҳаммом каби бинолар қурилган.



Тарихий худуднинг ҳозирги киёфаси







Юган тепа комплексининг умумий кўринишини дастлабки реконструкцияси




Бинкент

Шош (Чоч) тарихий вилоятнинг марказий шаҳри (9-12-асрлар). Харобаси хоз. Тошкентнинг эски шаҳар кисмидаги бинолар остида сақланган. 10-аср тарихий маълумотларга кўра, Бинкентнинг узунлиги ҳам, кенглиги ҳам 1 фарсахдан бўлиб, кухандиз (арк), шахристон (мадина), ички (работи дохил) ва ташқи (работи хориж) рабодлардан ташкил топган. Аркнинг мудофа девори, 2 дарвозаси бўлиб, улардан бири шахристонга, икинчиси ички рабодга олиб чиқган. Аркда ўрда, зиндон ва жоме масжиди жойлашган. Шахристоннинг ҳам алоҳида девори ва 3 дарвозаси бўлган. Бу ерда ҳунармандлар устахоналари ва савдо дўконлари жойлашган. Ички рабоднинг айрим маълумотларга кўра 8 та, яна бошқа маълумотларга қараганда 10 та дарвозаси бўлиб, унда асосан бозорлар жойлашган. Ташқи рабодда 7 та дарвоза бўлиб, паша, гувала ва хом гиштдан қурилган уй-жойлар жойлашган. Бинкад ободонлиги ва баховалиги билан шарқда шухрат қозонган. Шаҳардан кўплаб сув тармоқлари ўтган, кўчаларига тош ётқазилган. Ташқи рабодда боғ ва тоқзорлар бўлган.



Бинкад Тошкент археология экспедицияси (В.А.Булатова, Л.Л.Ртвеладзе, Д.П.Вархотова, М.И.Филанович) томонидан ўрганилган; шаҳарнинг тахминий план схемаси ишлаб чиқилган. Тадқиқ этилган маданий қатламлар асосида шаҳар чегараси белгиланди.



Шахристон ва арк тахминий ҳозирги Зарқайнар, Навоий кўчалари, Чорсу ва Эски Жува майдонлари ҳамда шу ердаги бозор билан чегарадош Гулбозор тепалигини эгаллаган. Арк Регистон ва Жангоб (Жангтоҳ) ариқлари оралиғида жойлашган. Топилган турли уй-рўзғор буюмлари, айниқса нозик дид билан ишланган бежирим сирланган сопол идишлар Бинкад кулоллариининг юксак маҳоратга эга бўлганликларни кўрсатади. Тарихий манбалар (Макдисий ва бинкаднинг асарлари)да ҳам Бинкаднинг кулолчилик маҳсулотларининг “тенги йўқ”лиги ҳақида қайд этилган Шахристон ҳудудидан 11-12-асрларда оид бир неча кулолчилик хумдонларининг қолдиқлари топилди. Рабодлар 30 ҳудудидан

кулолчилик, темирчилик, шишасохчик устахоналари ва ғишт хумдонлари булганлиги аниқланди. Бинкад Шош вилоятининг маданий, савдо хунармандчилик маркази бўлганлиги камида шаҳар атрофида жойлашган қишлоқлар ҳудудиа олиб борилган археологик қазилар ҳам тасдиқлади. Топилмалар ҳар бир қишлоқ аҳоли алоҳида касб билан шуғуланганлигини кўрсатади. Бинкад 10-11 асрлардан Тошкент номини олган.


Қанқа

Катта Хан сулоласи тарихида “қанғлилар мамлакати подшосининг турар жойи Лоюнидаги Битян шаҳрида” деб маълумот берилади. Бошқа тарихий манбаларда Лоюннинг номи учрамайди. Бинобарин, унинг қаерда жойлашганлиги аниқланмаган. К.Шониёзов Битян шаҳрини Тошкент воҳасида жойлашган деб ҳисоблайди. Чунки тарихий манбаларда айтилишича Яксарт-Сирдарё бўйида қадимги Канха – қанқа шаҳри харобалари жойлашган. Ю. Буряков узок йиллик археологик тадқиқотлар олиб бориши натижасида қанха шаҳри мил.авв. III ва II асрларда пайдо бўлганлигини аниқлади. Демак, манбаларда эслатилган Битяннинг ташкил топган вақти Канха шаҳри пайдо бўлган даврга мос келади. Бу номлар битта шаҳарни икки ном билан аталишидир. Ушбу шаҳар Сирдарёнинг ўнг irmoқларидан бири Оҳангароннинг қуйи оқимида (ҳозирги Тошкент вил. Оққўрғон тумани ҳудудида) жойлашган. Қанқа хақида дастлабки маълумотлар “Авесто”нинг энг эски қисмлари бўлган даштларда Турон қабилаларининг турар жойлари сифатида эслатилади. Сосонийлар даври (224-651 йй) манбаларда бу шаҳар “Кандеш” ёки “қандез” шаклида тилга олинади. Шунингдек, Фирдавсийнинг шоҳнома асарида ҳам қанқа шаҳри бир неча марта тилга олинади. Ундан ташқари ўрта асрлар географлари асарларида бу шаҳар “Канкрак”, “Харашкент”, “Тарбанд” номлари билан эслатилиб ўтилади.



Манбалар қанғ подшоларининг номлари хақида малумотлар бермайди. Фақат шу нарса маълумки, улар ўз номлари билан биргаликда, уруғ номини ҳам қўллаганлар ва “қанғ хонадони ҳукмдори” деб аталганлар. қанғда сайланган ҳукмдорнинг ҳокимияти оқсоқоллар кенгашига таянганлар ва айна пайтда кенгаш томонидан чеклаб қўйилганини кузатиш мумкин. қанғ ҳукмдорларининг қандай унвон билан аталганлиги маълум. Аммо, кенгашдаги задагонлар қандай аталганлиги турли баҳсларга сабаб бўлган. Антик даврдаги унсунлар, юечжилар ва

қанғларнинг ҳукмдорлари ябғу (хитой манбаларида чаову) унвони билан аталган.

Мил.авв. IX-III асрларда, яъни Бурғулик (Бурканли) маданияти ривожланган даврда меҳнат қуролларининг барчаси асосан тош ва бронзадан ясалган бўлса, қанғлилар даврига келиб темир буюмлар кенг тарқалган. Мил.авв. II – мил IV асрларда Тошкент воҳасида чорва қўшиб омов билан ер ҳайдаш кенг ривожланган эди. Шунингдек, бу даврда ерни сунъий суғориб экин экиш, катта ва кичик каналлар қазий, сув иншоотларини бунёд этиш ҳам тараққий топади. Воҳаларда яшовчи ўтрок аҳоли деҳқончилик билан бир қаторда чорвачилик билан ҳам шуғулланганлар. Ёзма манбаларда бу аҳолининг сут-қатиклари ва зотдор отлари борлиги ҳақида маълумотлар берилади. Чорва молларининг кўпчилиги кўчманчи ва ярим ўтрок аҳоли ихтиёрида бўлган. Кўп сонли чорва моллари эса мавсумга қараб бир жойдан иккинчи жойга ҳайдаб боққанлар.




Қанғ подшолари ва уларга яқин бўлган кишилар ниҳоятда бой чорвадорлар бўлишган. Улар баҳор келиши билан яқинлар, қариндош-уруғлари билан биргаликда ёзги қароргохдан яъни Ўтрорга бориб ёзни ўтказганлар. Кузда эса қишлоғни ўтказиш учун қанқага қайтиб келганлар. Тадқиқотчиларнинг эътирофи эътишога, қанғларнинг кўпчилиги шаҳарларда ва катта-кичик қишлоқларда яшаганлар. Шаҳарлар мустаҳкам ҳимоя иншоотлари билан ўраб олиниб, уларда қалъалар ҳам мавжуд бўлган. Кўпчилик шаҳарларнинг аввалдан ўйланган режавий тизим асосида қурилганлиги қанғ давлатида шаҳарсозлик маданияти ривожланганлигидан далолат беради.



Мустаҳкам ҳимоя иншоотлари ва қалъаларига эга бўлган шаҳарларда ҳамда йирик қишлоқ ва қўрғонларда йирик қабила бошлиқлари, уруғ ёки жамоа оқсоқоллари, бой-бадавлат оилалар ва қисман ҳунармандлар яшаганлар. Турар-жойлар асосан паҳса ва хом ғиштлардан қат кўтарган. қанғ давлати аҳолисининг кўпчилик қисми тарқоқ ҳолатда кичик-кичик қишлоқларда, ертўлаларда, қапа уйларда ва ўтовларда яшаб ярим ўтроқ ва кўчманчи турмуш тарзи юритганлар.

Шохрухия


Сирдарёнинг ўнг соҳили, Оҳангарон дарёсининг Сирдарёга қўшилиш жойидаги карвон йўли ёқасида жойлашган шаҳар ўз даврида бир неча номлар билан яъни Бинокат, Шарқия ва Шаҳрухия деб аталган. Бу археологик ёдгорлик милодий I – XVIII асрларда жуда гавжум бўлган. Шохрухия ҳарабасини ҳаваскор археолог Д.К.Затсепин, Е.Т.Смирновлар ўрганган. 1973 – йилдан Шош – Илоқ экспедитсияси текширади. Тадқиқотларга кўра дастлаб унинг муҳофаа девори бўлмай, атрофидаги дарё, шунингдек жарликлар табиий муҳофаа воситаси ролини ўтаган, илк ўрта асрда буржли мустаҳкам муҳофаа девори билан ўралган. Шохрухия ҳудуди 22 га бўлиб, арки тахминан 1 гани эгаллаган. XII-XIII аср бошларида 140га гача кенгайган, у арк, 3 шаҳристон ва рабоддан иборат бўлган. қазилмалар натижасида турли сопол буюмлар, танга пул ва тақинчоқлар топилган. Шохрухияда заргарлик тўқимачилик, кулолчилик, шишасозлик ва бошқалар ривожланган, мис, кумуш тангалар зарб этилган. Мўғуллар истилоси даврида Шохрухия вайрон бўлган.



Соҳибқирон даврида салтанатда жуда катта ободончилик ишлари олиб борилган. Бунга Самарқанд, Шаҳрисабз ва бошқа жойларда қурилган меъморий мажмуалар, Самарқанд атрофидаги дунёнинг йирик шаҳарлари номи билан аталган Дамашқ, Миср, Бағдод, Султония, Фориш, Шероз каби қишлоқларни кўрсатиб ўтиш жоиздир.

Ободончилик, суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши иқтисодий ҳаётда муҳим соҳа - ҳунармандчилик, савдо ва товар-пул муносабатларининг тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди. Амир Темури ва Мирзо Улуғбек даврида тоғ-кон ишлари йўлга қўйилиб, турли маъданлар қазиб олиниши туфайли ҳунармандчилик юксак даражада ривожланди. Ҳунармандчиликка катта эътибор туфайли шаҳарларда махсус гиламдўзлар, сандиқчилар, шишасозлар, эгарчилар, заргарлар маҳаллалари кўпайди, янги бозор расталари, тим ва тоқлар қурилди. Тўқимачилик, кулолчилик, чилангарлик, темирчилик ва бинокорлик, меъморчилик соҳалари асосий ўрин тутган. Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Шохрухия, Термиз, Шаҳрисабз, қарши шаҳарларида янги ҳунармандчилик маҳаллалари вужудга келиб, бу шаҳарлар савдо ва маданият марказларига айланди. Ип, жун, каноп толасидан газмоллар тўқилган. Ипакдан шойи газламалар - атлас, кимҳоб, банорас, духоба, хоро, дебо каби газмоллар тўқилган бўлиб, улар маҳаллий ва хорижий савдогарлар томонидан харид қилинар эди.


Кенг қамровли шаҳарсозлик ишларини нафақат Амир Темури, балки унинг ўғли Шохрух ҳам олиб борганлиги маълум. 1370 йилда Амир Темури пойтахт шаҳар сифатида Самарқандни белгилагандан кейин ҳам Кеш вилоятининг бош шаҳри Шаҳрисабзга ўз эътиборини сусайтирмади. XIV-XV асрлардаёқ Шаҳрисабз ёнидаги Китоби ўрнида жойлашган қадимги Кеш у билан майдон жихатидан бошланмаган эди. 1392 йилда Амир Темури Шохрухияни қайта тиклаб, ўғли Шохрух шарафига Шохрухия деб атаган. XVIII аср бошларида ўзаро уришлар натижасида вайрон бўлган. Шохрухия ҳаробасини бир қисмини Сирдарё юғиб кетган.





Юнусобод Оқ тепа


Юнусобод Оқ тепаси-ўрта асирлар археологик ёдгорлиги (V-XII асрлар). Тошкентнинг шимоли-шарқий қисмида, Оқ тепа канали бўйида жойлашган. 1886-йил В.П.Наливкин қайт қилган. 1940-41-йилларда А.И.Тереножкин қазилмалар олиб борган. 1975-йил ва 1977-85-йил Тошкент археология экспедицияси (М.С.Мершчиев, М.И.Филанович) томонидан ўрганилган. Жанубий томони баланд ва тик тепалик кўринишдаги кўшкли кўрғон-қаср ва истехкомсиз қишлоқ харобаси. Майдон қарийиб 100га, энг баланд қисми 21м, Кўшли кўрғон (86-180м) шимолдан жанубга томон чўзилган ва қишлоқдан чуқур жарлик билан ажратилган. қазилмалардан маълум бўлишича V-асрларда қаср дўнглик устига уриб чиқилган пахсатапсурчида қад кўтарган. У узун ва кенг зинапояга ўхшатиб қурилган икки қаватли бунодан иборат бўлиб, уни биринчи қаватини майдони 80х80 м ва юқори қаватининг майдони 50х50 м га тенг. Қасрнинг ҳар иккала қаватининг ичкари томонига узун йўлак-галерея бино қилинган ва ташқариси баланд девор билан ўралган. Ташқи девор ва томи равоқсимон қилиб ёпилган. Пахса блоклари (70х70х70см) ҳамда 48х24х10 см ҳажмдаги узун ҳом ғиштлардан ишланган. Йўлаклар ҳалқасининг кенглиги 2м, баландлиги 2.3м. Устки қатор йўлаклар бурчакларида гумбазли думалоқ хоналар бўлиб, улар ташқаридан доира шаклидаги минораларни ҳосил қилган. Квадратнинг ички қисми узун энсиз, томи гумбазли хоналардан иборат бўлиб, улар қатор йўлакларга туташган. VII-аср бошларида тор хоналар тупроқ билан тўлгазилиб, мустахкам тагкурсига айлантирилган ва устига бинолар қурилган. қасрнинг тўрт бурчаги мустахкамланиб, унинг жанубий-ғарбий қисмида майдони 22х22 м ли кичик бино қилинган.




Сақланиб қолган иморат қолдиқларига қараганда кўшк ҳам икки қаватли бўлиб, унинг пацки қаватида ровоқли хоналар, юқорида эса мулкдорнинг уй-жой ва меҳмонхоналари жойлашган. Кошкдан шимолроқда 10тача хоналар очилиб, улар ибодатхона мажмуасидан иборат бўлган. Кўшкнинг шарқий қисмида 9 та узун болахонали уйлар қовлаб очилиб, айримларининг ичида девор бўйлаб энсиз супа, орқа деворида ёруғлик дарчалари, тўсин туйнуклари сақланган.

Оқ тепанинг қасрга ёндошган қисмида ҳам қазилар ишлари олиб борилиб, кўрғоннинг ташқи девоир ҳовли ва девор бўйлаб чокарлар учи қурилган турар жойлар, кўшкка томон ёланган кўтарма ёлнинг бир қисми ва дарвозахона олди иншоотлари қовлаб очилган.

Қазилар жараёнида споол буюм бўлақларидан ташқари тош, суяк, металлдан ясалган қурол-яроқ, зеб-зийнат, жумладан темир пичоқ, ханжар, болта, ўроқ, уч парракли ўқ пайконлари ва ҳоказолар топилади. Топилмалар орасида нуроний муйс тасвирили терракота айникса диққатга сазовор. Схунингдек, В-асрдаги маҳаллий ҳунармандларнинг қумуш тангалари 12 та дирхам ҳамда сурд ёзувли мис танга қайд этилган.





Хулоса

Ўзбекистон Республикаси Ўрта Осиёда асрлар бўйи одамлар меҳнати билан обод бўлиб, неча-неча авлодлар меҳнати билан чўл-биёбонлар боғ-бўстонга айлантирилган., кум саҳроларида шаҳарлар барпо қилинган. Турли даврларда бино бўлган мухташам бинолар, иншоотлар халқ меҳнати ва донолигининг рамзи бўлиб турибди.

Агар биз узоқ ўтмишга, кекса тарихга фикран назар ташласак, ер юзида қандай ўзгаришлар пайдо бўлганлигини, одамлар ўзлари ҳам қанақа ўзгарганлигини, бир хил эски мафкура ўрнига бошқаси , ёшини яшаб бўлган бир хил эски ижтимоий тузум ўрнига гуриллаб янгисини келганини тасаввур қиламиз, бунга сабаб, археологларимиз томонидан уларнинг серкашфиётлиги билан кишини ўзига жалб қиладиган ғоят мароқли касбларидир.

Маълумки, археологлар “тарих” деб аталадиган катта китобнинг янги саҳифаларини варақма-варақ очадилар. Республикамизнинг шонли тарихини тарихшунос-археологлар тиклайдилар. Ўзбекистонда қадим-қадим замонлардан маданият ўчоғи бўлиб келган, унда яшаган халқлар, ҳозирги ўзбек халқлари жуда катта тарихий йўлларни босиб ўтганлар.

XX асрнинг охириги йилларида археологлар ва тарихчи олимлар Тошкент атрофидаги жойларда ғоят муҳим қазилар ишлари ўтказганлар, жумладан: бутун дунёга машҳур М.Е.Массон, Г.А.Пугаченкова, Я.Ғ.Ғломов, А.Асқаров, М.И.Филанович, М.Т.Аминжонова, В.Л.Вяткин ва бошқалар.

Ўрта Осиё тарихини ҳали яқиндагина чинакам ўрганиб чиқа бошлади десак ҳам бўлади, бунга сабаб, тарихни яхши ўрганилмаган вақтларда, буржуа олимлари Ўрта Осиёдаги давлатлар қадимги Шарқ маданиятидан ажралиб яшаган, Ўрта Осиё халқларининг ўз маданияти бўлмаган, улар тупроғидан топилган нарсаларнинг ҳаммаси четдан келтирилган, ҳеч қайсиси ўзлариники эмас, деб даъво қилар эдилар.

Лекин, қазишлар ва текширишлар натижасида бутунлай бошқа манзаралар рўй берган.

Археолог олимлар томонидан олиб борилган қидиришлар Ўзбекистон халқларининг маданий тараққий этганини тасдиқлайди. Бунга мисол ўзбек олимлари томонидан олиб борилган тарихни тасдиқловчи қадимги ёзувлар, буюмлар ва бошқа археологлар томонидан топилган осори-атиқалар орқали тараққиёт йўлини босиб ўтган мустақил фан бўлиб етишган археология фанидир.

Машхур археолог олим Ю.Ф.Буряков томонидан Тошкент воҳасида олиб борилган тадқиқотларидан маълумки, археологик обидалар асосида кўп йиллик тадқиқот якунларини баён қилиниб, унда археологик материаллардан ташқари ўрта аср тарихчи ва географларининг ёзма манбаларидан, кўплаб афсоналардан ҳам кенг фойдаланилган.

Ўзбекистон археологлари томонидан олиб борилган изланишлар натижасида ўрганилган маданий ёдгорликлар, асосан тупроқ қатламларини жуда эҳтиёткорлик билан кетма-кет олиб ташлаш орқали аниқланган. Қазиш ишлари натижасида маданий қатламлари бир неча аср, ҳатто минг йиллар давомида ташкил топган одамларнинг уй-жой қуриш учун ишлатган қурилиш ашёларига ҳам боғлиқ бўлган.

Ўзбекистонда асосий қурилиш ашёлари лой (пахса, ҳом ғишт) бўлганлигидан маданий қатламнинг қалинлиги бир неча метр, ҳатто 30-40 метргача қалинликда бўлган. Бизларкўрган ва олиб борган кузатувлар натижасида Югантепа (объекти)да қадим замонда бирон фалокат юз берганлиги сабабли бўлса керак, тўсатдан кишилар яшаш ҳаёти, шаҳар тепалигини ҳаробага айланган.

Муаллифлар битирув лойиҳа иши устида изланишлар олиб боришаётганларида маданият, архитектура ва санъат ёдгорликларига катта эътибор беришдилар.

Маълумки, Ўзбекистонда ўзбек халқининг маданий меросини

сақлашга жиддий аҳамият берилмоқда. Мустақиллик йилларида давлат ташкилотлари ҳамда Ўзбекистоннинг маданий ёдгорликларини сақлаш Бош Бошқармасининг ҳаракати билан жуда кўп ажойиб архитектура ва тарихий-маданий ёдгорликлари қайта тикланиб, тамомила хароб бўлиб кетишидан сақлаб қолинмоқда.

Бевосита қадимий шаҳарларда махсус қайта тиклаш муассасалари ва устахоналарининг ташкил қилиниши шу тарихий шаҳарларни ривожлантириш Бош режаларини тарихий ва архитектура ёдгорликларини сақлаш, уларни келажак авлодга кўрсатиш ҳамда улардан шаҳар архитектурасида фойдаланиш муаммолари билан боғлаб олиб боришга имкон беради.

Тарихий ёдгорликларни сақлаш ва тиклаш уларни асл ҳолатига келтириш ишларини янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан чиқарилган бир қанча қонун ва Низомлар қабул қилинган. Охирги йилларда чиқарилган қарорлар Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларидаги маданий ва археология ёдгорликларни сақлаш ва тиклаш ишларини янада яхшилашга қаратилган тадбирлар белгиланди.

Ўзбекистон халқининг кўп асрлик тарихи халқимизга Ўзбекистоннинг ғоят улуғ олим ва мутафаккирлари, тарихчилари ва географлари ҳамда сайёҳлардан мерос қолган кўпдан-кўп қўл ёзмалар асосида тикланди ва тикланмоқда . Ўзбек халқи тарихини саҳифама-саҳифа очишга олимлар ёрдам бермоқда, улар моддий маданият ёдгорликларига қараб, ҳали ёзуви бўлмаган замонлар тарихини ҳам тиклаб беришмоқда.

КОНСТРУКТИВ БЎЛИМ

Битирувчи: Абдухалилова М. Г.
Раҳбар: Салимов О.М.
Маслахатчи: Юсуфхужаев С.

Тошкент - 2015

Конструктив бўлим

Диплом ишининг конструктив бўлимида Юган тепа шаҳаридаги бино ва иншоотларда қўлланилган ёпмалар деворлар қалъа деворларига оид масалалар қўриб чиқилган.

Маҳобатли иншоотлар учун XI-XIII аср бошида пишиқ ғишдан олдинги даврга қараганда янада кенгроқ фойдаланилди. Кўп ҳолларда ғиш жуфтлаб ишлатилган. Улар оралиғида капалаксимон киритмалар бўлган.

Марказий Осиёда дастлабки бор сиркор қопламалар пайдо бўлди. Сирлар шишасимон (кварцли) моддан ишланган.

Гумбаз қуришда янги ютуқларга эришилди. Унинг турлари кўпайди.

Гумбазлар конструктив ва бадий жихатлардан такомиллашди. Гумбазлар бир неча қобилги ҳам қилина бошланди.

Бинолар ёпмалари учли ички (конструктив) ва гардиш ёрдамида тагидан ҳам кўринарли қилиб баландга кўтарилган ташқи (декоратив) гумбазлар тариқасида ишлана бошланди.

XI-XIII аср бошида шаҳарларда қурилиш миқёсининг ниҳоятда кенгайиши кўпчилик биноларнинг композицион ечимига ҳам таъсир кўрсатди. IX-X асрларда композицияда марказийликдан фронталликка ўтилди. Пешток муҳим унсурга айланди.

Меъморий мажмуалар композицияда аввало масжидлар меъморлигида вертикал (тик урғу) иншоотлар-миноралар катта рол ўйнай бошлади.

XI-XII аср боши меъморлигида нақш аҳамияти кенгайди. Сопол, ёғоч ва ганж ўймакорликлари ажойиб намуналари яратилди.

XI-XII аср бошида Марказий Осиёда меъморий мактабларнинг ўзига хос жихатлари кучайди. Бу айниқса сон жихатдан бизгача яхши етиб келган мақбаралар меъморлигида кузатилади. Ўзига хосликлар жануби-ғарбий (Шимолий Хуросон), шимоли-ғарбий (Хоразм), Марказий (Моварауннаҳр) шарқий (Ф арғона) ва шимоли-шарқий (Қозоғистон жануби ва Қирғизистон шимоли) меъморий мактабларида ёрқинроқ сезиларди. Улар қурилган

иншоотларнинг хажмида (катта-кичиклигида) ёпмаларда, безакларнинг миқдорида, маълум бадий воситаларнинг устиворлигида намоён бўлди.

Юган тепа шаҳрининг график реконструкциясини аниклашда тасвирланган бин ова иншоотларнинг ёпмалари ката аҳамиятга эга. Аркдаги бинолар ёпмаси ясси кўринишга эга бўлган. Яни уларда устун-тўсинли конструкция қўлланилган. Аркнинг деворлари пахсадан бўлган. Арк ичидаги биноларнинг деворлари синч ёғочдан ишланган. Қўрғон деворнинг ташқи тарафида кунгаралар бўлган. Улар душмандан ҳимоялашга мўлжалланган.

Адабиётлар рўйхати

1. Григорьев Г.В. Отчёт об археологической разведке в Янгиюльском районе. Уз ССР в 1934 г. Т.,1935.
2. Буряков Ю.Ф. Историческая топография древних городов Ташкентского оазиса. Ташкент, 1975 г.
3. Буряков Ю.Ф. Генезис и этап развития городской культуры Ташкентского оазиса. Ташкент, 1982 г.
4. Смирнова О.И. К вопросу о среднеазиатских культах . Из среднеазиатской топонимики. СТит.по тексту Ю. Ф. Бурякова.2.
5. Литвинский Б.А. Зеймаль Т.И. Аджина тепе. М. 1971 г.
6. Буряков Ю.Ф. Касымов М.Р. Ростовцев О.М Археологические памятники Ташкентской области. Ташкент, 1973 г.
7. Муртазаева Р.Х. “Ўзбекистон тарихи”. Дарслик. -Т.: 2003, 221-267-бетлар.
8. Иброҳимов А. Биз ким, ўзбеклар ... -Т.: Шарқ, 2000, 55-66 бетлар.
9. Нозилов Д. «Марказий Осиё меъморчилигида интерьер»–
10. Тошкент, 2005
- 11.Вахитов М. Мирзаев Ш. «Меъморчилик»– Тошкент, 2010
- 12.Пўлатов Х. «Ўзбекистон архитектура ёдгорликлари»– Тошкент,
13. 2003
- 14.Ўзбекистон миллий энциклопедияси – Тошкент, 2000-2005.
- 15.Григорьев Г. «Каунчитепе» (раскопки 1935г.) – Ташкент, 1940
- 16.Краткий отчет о работе Янгиюльской археологической
17. экспедиции 1937г. – Ташкент, 1940
- 18.ЗияевА. «Ташкент» часть I– Ташкент, 2009
- 19.Мукминова Р. «Тўрт аср олдинги Тошкент»– Тошкент, 1984
- 20.Мухаммадкаримов А. «Тошкент бўйлаб топонимик саёҳат»–
Тошкент, 2000